Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 21 (6911). ● 1 февраль, 1979 йил ◆ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкент область XIX партия конференцияси делегатлари конференциянинг иккинчи иш кунида область партия комитетининг ҳисобот доклади юзасидан ва область партия ташкилоти ревизия комиссияси докладини тасдиқлаш юзасидан қарорлар қабул қилдилар.

Яширин овоз бериш йўли билан область партия комитети ва область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари сайланди.

Конференция делегатлари зўр қўтаринки руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрик мактуби қабул қилдилар.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудири И. Д. Сербин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитети масъул ходими В. П. Басенко иштирок этдилар.

Делегатлар партия гимни «Интернационал»ни ижро этиш билан конференция ишини якунладилар.

ПАРТИЯВИЙ ИШ УСЛУБИ ВА МЕТОДЛАРИНИ ҚУНТ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Тошкент область XIX партия конференциясида ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Тошкент область партия конференцияси республика партия ташкилотининг барча бўғинлари ҳаётидаги муҳим босқични тугалламоқда. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси давомида район, шаҳар ва область партия комитетларининггина эмас, шу билан бирга ҳар бир бошланғич ташкилот, партия группаси, ҳар бир коммунистнинг фаолияти ҳам чуқур анализ қилинди. Ҳисобот ва сайловлар ҳақиқий талабчанлик мактаби, партия XXV съезди, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини амалга ошириш соҳасидаги ишимизнинг кўриги бўлди. Ишчанлик, юксак талабчанлик, принципиал танқид ва ўз ўзини танқид вазиятида ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси кейнги йилларда республика партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари энг муҳим проблемалар билан, аввало, иш самарадорлигини ва сифатини янада ошириш масалалари билан тағин ҳам зўр қатъият ва собитқадамлик билан шуғуллана бошлаганликларини кўрсатди. Шу билан бирга камчилик ва нуқсонлар тахлил этилди, қўшимча резервларни ишга солишга ва беш йиллик топшириқларини бажаришга қаратилган конкрет таклифлар киритилди.

Ҳаётий муҳим проблемаларнинг коллектив бўлиб муҳокама этилиши халқ хўжалигига партиявий раҳбарлик, ташкилотчилик ва идеология иши услуби ҳамда методларини янада такомиллаштириш йўлларини аниқ белгилаш имконини берди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, район, шаҳар ва область партия конференциялари якунларини баҳолаганда дадил айтиш мумкинки, бу йиғилиш ва конференциялар республикамизда уюшқоқлик билан, жанговарлик руҳида ўтди ва республика партия ташкилотининг барча бўғинлари ана шу муҳим сиёсий кампаниядан ғоявий ва ташкилий жиҳатдан янада кўпроқ мустаҳкамланиб, сафарбарлик ҳолатида чиқди. Эндиги энг муҳим вазифа танқидий мулоҳазаларни батафсил кўриб чиқишдан, белгиланган режаларни амалга оширишдан, бутун ишимизни партия талаблари даражасига кўтаришдан иборат.

Ўртоқлар! Аввалги Тошкент область партия конференциясидан бери орада уч йил вақт ўтди. Бу — партия билан давлат ҳаётида чинакам тарихий йиллар бўлди. Бу йиллар Ватанимизнинг шонли солномасига абадий ёзилиб қолади, совет кишиларининг коммунистик қурилиш ҳамма участкаларидаги улуғвор муваффақиятлари йиллари деб ёзилади. Шу даврда Улуғ Октябрь 60 йиллигининг байрам қилиниши, СССР янги Конституциясининг ҳамда иттифоқдош ва автоном республикалар Конституцияларининг қабул этилиши каби улуғвор воқеалар содир бўлди.

Шу йилларда Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» номли ажойиб китоблари босилиб чиқди. Ҳар биримизга атаб ёзилган бу китоблар партиявий-сиёсий иш тажрибасининг бебаҳо хазинасидир, коммунизм тантанаси учун курашда партия билан халқнинг жанговар қуролидир.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг, СССР Олий Совети ўнинчи сессиясининг қарорлари меҳнаткашларнинг ғайрати ва ижодий кучларини ғоят жўш урдириб юборди. Бу жуда муҳим ҳужжатларни совет кишилари Ленин партиясининг Ватан қудратини мустаҳкамлаш тўғрисидаги, халқ фаровонлигини ошириш ҳақидаги ғамхўрлигининг янги ифодаси деб биладилар.

Ўртоқлар, сизлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидаги чуқур далилисботли нутқи билан яхши танишсизлар. Леонид Ильичнинг нутқи — совет халқининг жанговар ҳаракат программасидир, кўп йиллар давомида биз амалий ишимиз учун илҳом олиб турадиган битмас-туганмас чашмадир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI Пленуми Ўзбекистон ССР коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини ғалабалик билан маъқуллаб, ўз совет халқларининг қардошлик оиласидаги республикамиз меҳнатда янгиянги муваффақиятларга эришганини алоҳида қуч билан таъкидлади. Саноат уюшқоқлик билан бир маромда ишламоқда. Индустрия ходимлари ўсишнинг интенсив омилларидан фойдаланиб, маҳсулот сифатини ошириб, ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан беш йилликнинг уч йили учун белгиланган планни барвақт бажардилар. Топшириқдан ташқари 1 миллиард 130 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди. Давлат сифат белгисига сазовор бўлган маҳсулот турлари анча кўпайди.

Қурувчиларимиз ишни йил сайин яхшиламоқдалар. Беш йиллик бошлангандан бери улар 60 тадан ортиқ йирик саноат корхонаси, кўпгина социал ва маданий объектлар қуриб беришди. 16 миллион квадрат метрга яқин уй-жой фойдаланишга топширилди, бу эса бир миллион саккиз юз мингга яқин кишининг уй-жой шароитларини яхшилаб олишига имкон берди.

Қишлоқ хўжалигида катта сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Унинг моддий техника базаси мустаҳкамланди, пахтачиликни комплекс механизациялашда, чорвачиликда, ерларни мелиорациялашда дуруст муваффақиятларга эришилди. Ўтган йили республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари саноат ходимлари билан, шаҳарликлар, ўқувчилар ва студентлар билан биргаликда пахта учун бўлган қийин жангда ютиб чиқдилар. Конференция делегатлари бу ғалабага нақадар қийинчилик билан эришилганини биладилар. Табиий офат бизнинг ишчанлигимиз, маҳоратимиз ва матонатимизни ҳақиқий имтиҳондан ўтказди.

Ўтган йил давомида қанчадан-қанча табиий офатлар рўй бермади десак, ёлғон бўлмайди. Тинимсиз ёғингарчиликлар ҳам, кучли бўронлар ҳам, самарали ҳароратнинг етишмаслиги ҳам — барча-барчаси содир бўлди. Пахта ҳосили учун курашнинг якунловчи босқичида ҳосилни лой кечиб, ёмғир ва қор остида териб олишга тўғри келди. Аммо табиат нақадар инжиқлик қилмасин, ҳосил йўлига қандай тўсиқларни қалаштириб ташламасин, республика давлат планини муваффақиятли бажарди, тайёрлов пунктларига 5 миллион беш юз минг тоннадан зиёд пахта топширди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ана шу чинакам буюк ғалабани, ана шу ҳақиқий шижоатни, мардлик ва матонат, қаҳрамонлик ва маҳоратни, Ўзбекистон колхозчилари, совхозларининг ишчилари, механизаторлари, мутахассислари, шаҳар аҳолиси ,студентлари ва ўқувчилари, барча меҳнаткашларининг ғоят юксак онглилиги ва чуқур интернационализмини муносиб равишда баҳолаб, Ўзбекистоннинг катта пахта хирмони учун бўлган ана шу буюк жангда қатнашган ҳамма кишиларга астойдил миннатдорчилик ва самимий ташаккур изҳор этадилар!

Хуллас, ўртоқлар, биз халқ хўжалигини фан ва маданиятни ривожлантиришдаги, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишдаги ишнинг натижалари билан фахрланиш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Республика экономикасида Тошкент области жуда муҳим ўрин олади. Умуман Тошкент областининг халқ хўжалиги юксак суръатлар билан узлуксиз ривожланмоқда. Бугун шу ҳақда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. М. Мусахоновнинг обком номидан қилган ҳисобот докладида, конференция делегатларининг нутқларида яхши гаплар айтилди.

Область саноати олға томон дуруст қадам қўйди, беш йилликнинг уч йили планини муваффақиятли бажарди. Меҳнат унумдорлиги юзасидан берилган топшириқ 3,6 процент ошириб бажарилди. Пландан ташқари 450 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Область корхоналарида ростовликларнинг «Қолоқларсиз ишлаймиз!» деган ташаббуси кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда ва ёйилмоқда. Тошкент ва Янгийўл шаҳарларининг меҳнат коллективлари бу ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватладилар. Энди қолоқларсиз ишлаш мумкингина бўлиб қолмай, лозим ҳам эканлиги шу шаҳарлар партия ташкилотларининг иш тажрибасида исбот этилди.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг, «Узбектекстильмаш» бирлашмасининг, Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводининг, Ангрен кўмир разрезининг, Олмалиқ химия заводининг, Оҳангарон цемент комбинатининг, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигги номли Тошкент тикув бирлашмасининг, Янгийўл пойафзал фабрикасининг, Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг коллективлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ташаббусларини кўтариб чиқмоқдалар. Улар юксак самарадорлик билан ишламоқдалар, зарбдор вахтада катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Областнинг икки минг бир юздан ортиқ ишчиси ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқда. Улар орасида Назрилла Маннопов, Зоя Ивановна Побединская, Дилбар Қулматова, Алла Ивановна Панина, Мардон Ҳамидов, Виктор Васильевич Енин, Тоҳир Ғаффоров, Анвар Муҳамедов, Сергей Павлович Белококов, Анна Федюшина ва бошқа кўпгина азаматлар бор. Агар ҳамма ҳам ана шундай аниқ ва уюшқоқлик билан ишлаганида, эришилган натижалар анча яхшироқ бўлур эди.

Афсуски, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод шаҳарларининг, Оққўрғон, Оҳангарон, Калинин, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз районларининг саноати беш йилликнинг белгиланган суръатларини бажармаяпти.

Ўтган йили областнинг 34 та корхонаси ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планларининг бажарилишини таъминламади. Корхоналарнинг 18 проценти ишлаб чиқариш ҳажмини 1977 йил даражасидан пасайтириб юборди. Олмалиқ кон-металлургия, Ўзбекистон металлургия, Ангрен керамика, Бекобод цемент комбинатлари, «Чирчиксельмаш» заводи, Эйвалек бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати меҳнат унумдорлигини ошириш планини уддалама-ди.

Иқтисодий тежашни кучайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш учун кўп иш қилиниши лозим. Ҳозир бу — партия ташкилотларининг бош вазифаларидан биридир. Коммунистлар фан-техника тараққиёти ютуқларини янада революцион тарзда жорий этишни таъминлашлари лозим. Бу масалага дуруст эътибор берилаётган жойларда нақд натижаларга эришилмоқда. В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини олиб кўринг. Бу ерда техника билан қайта қуролланиш соҳасида зўр ғайрат билан ўтказилган иш ўнинчи беш йиллик мобайнида ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 67 процент, меҳнат унумдорлигини эса 54 процент оширишни таъминлади. Фондларнинг самарадорлиги 16 процент кўпайди. Бундай мисоллар кўп. Бу соҳада Тошкент кабель заводи, «Узбекхиммаш», Чирчиқ трансформатор ва Олмалиқ химия заводларининг коллективларидан ҳам ибрат олса арзийди.

Ана шу ва бошқа корхоналарнинг тажрибаси ишни яхши ташкил этган, ҳар бир ходимнинг план тақдири учун масъулияти юксак даражага кўтарилгандагина энг тиғиз топшириқларни ҳам шараф билан бажариш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Бас, шундай экан, бундай корхоналарнинг иш тажрибасини умумлаштириб оммалаштириш — область партия комитети, шаҳар, район партия комитетларининг бурчидир.

Бундай қилиш зарурлигининг сабаби шуки, областда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш беш йиллик топшириқ биноан 38,8 процент ортиши керак. Ўтган уч йил мобайнида атиги 16,9 процент ўсишга эришилди. Бу нарса бизни жуда ташвишга солмоқда. Топшириқни бажариш учун ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатини ҳозир эришилган 5,3 процент ўрнига йилига ўрта ҳисобда камида 9 процентга етказишни таъминлаш зарур. Шу топшириқни ҳал этиш область партия ташкилотининг бевосита вазифасидир.

Область ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш йирик бирлашмалар ва корхоналарнинг филиалларини район марказларида, қишлоқ посёлкаларида ташкил этишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати бу масалага жуда жиддий эътибор бермоқдалар. Иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этишнинг бу йўли қанчалик самарадор эканини областингиздаги кўпгина ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналарнинг иш тажрибаси кўрсатиб турибди. Аммо, бу, ўртоқлар, катта ва масъулиятли ишнинг бошланишидир, холос.

Умид қиламизки, Тошкент область партия ташкилоти бундан буён ҳам ўзига хос қатъият ва собит қадамлик билан бу ишни амалга ошираберади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Ҳозирги вақтда саноат ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи салкам 13 процентни ташкил этади. Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларининг, Тошкент шаҳридаги Куйбишев ва Киров районларининг корхоналарида жами маҳсулотнинг бешдан бир қисмидан кўпроғи Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ОБЛАСТЬ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА САЙЛАНГАН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ СОСТАВИ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Абдиева Г.
Абдуллаев Ғ.
Абдурахимов З. Н.
Абдурахимов К.
Абдурахмонова М. Ғ.
Абдурашитова З. П.
Аъзамова М.
Аъзамхўжаев С.
Алимбоева Н.
Алимов А. П.
Алимов Т. А.
Алимова М. И.
Ан Сен-нам
Анорқулов А.
Аникин А. И.
Антонов В. А.
Орифжонов М. М.
Орипов Т. З.
Ортиқхўжаев Т.
Асқарова Ф. Н.
Аҳмедов К. С.
Аҳмадхужаев Т. Х.
Охунова Т.
Бакиров А. Е.
Ботирбеков А. С.
Беглов В. М.
Бранлов А. В.
Бузруков У.
Ғалашко К. С.
Ғиёсов С.
Граченкова Н. В.
Жўраева Б.
Дронов В. А.
Дудин К. П.
Егоров В. Я.
Журавлёв В. Н.
Зокиров А. Ш.
Зокиров Ғ.
Зуфаров О.
Иброҳимов О. С.
Иброҳимов Н. Ф.
Эгамбердиев М.
Икромов А. И.
Икромов А. С.
Икромов К.
Эргашев Т. Э.
Исоқов А.
Исоқова М.
Искандаров С.
Исломов Т.
Исмонлов А.
Исмонлов Т.
Исматов М.
Қодиров Ғ. Х.
Қодиров М.
Қодиров Р.
Козимов В. О.
Қозоқбоев К.
Камолов Б. С.
Камолова М.
Қамбаров Р.
Қорабоева Б.
Каримов Д.
Қосимова Т.
Қаюмов М.
Киселев С. Д.
Клейменова Г. С.
Клепинин В. М.
Ковалева М. А.
Конунникова М. И.
Қўлдошева М. А.
Кунов М. И.
Куценко Э. Н.
Маковский Ю. Г.
Максимов Ю. П.
Мақсудов Ш. С.
Мақсумов М. М.
Мақсумов З. Т.
Малихин Н. И.
Мамедов К. Б.
Масленников Н. А.
Маҳкамов Х.
Маҳнанова В. В.
Мелибоева Т.
Мирзаахмедова Ф. В.
Мирзаев Т.
Муллаев М.
Мусахонов М. М.
Мусин И. Х.
Муслимов У. В.
Муҳаммаджонов З.
Муҳамедов В. М.
Мясникова С. П.
Назарова З. А.
Норбоева Л. А.
Ни А. В.
Неъматов П.
Норматова Т.
Остряков Ю. Н.
Пак Д. Е.
Панина А. И.
Потуремский Ф. Г.
Пўлатов Ё.
Расулов М. С.
Рахмонов А.
Рахмонова Х.
Рахматхўжаева С. А.
Ризаев Ж.
Родин В. С.
Рўзиев П. Ғ.
Рўзиматова А.
Рибалко В. И.
Рябцев В. Р.
Содиқов Т. С.
Саидхўжаев А.
Саидалиев С. Д.
Солиҳов Т.
Саркисов Г. М.
Сафаров Н.
Серпиков М. Я.
Соколов Н. Г.
Солдатов М. Ф.
Стешенко Г. П.
Султонова С. У.
Таласбоева К. А.
Толипов Ю.
Тошбеков Б. У.
Тошқулов С. Т.
Тошматов Т.
Тошхўжаев Х.
Терман Л. Я.
Тилаев И.
Тимофеев К. М.
Тўлаганов Ю.
Тўхтабоев В.
Убайдуллаева М.
Умаров У.
Умаров Х. Т.
Усачев Д. Д.
Файзуллаева А. Ф.
Федоринов И. И.
Ҳайдаров И.
Ҳайдарова Г. К.
Ҳайруллаев Ш. К.
Халилов Б. Ғ.
Ҳасанова У.
Ҳатамов Э.
Хегай В. Н.
Хўжаев А. М.
Хўжаев З. Ғ.
Холопова Н. Н.
Худойберганов У. Р.
Чередникова Т. Ф.
Шоғиёсова Т.
Шодмонов Э. Ш.
Шомирзаев Т.
Шарифхўжаев М.
Шатуновский Б. М.
Шкуратов А. И.
Йўлдошева Г. Б.
Юсупов Э.
Юсупова О. У.
Яицкий Н. И.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР

Абдухолиқов А.
Агарков Б. А.
Айвазова А.
Айдарқулов А. А.
Акромов Э. Т.
Акрамова М.
Арко Л. В.
Аҳмедов Х. А.
Байгулова У. Т.
Бердиев У. Н.
Бурганова Г. Д.
Ганиева Х. Ш.
Герасимов В. А.
Гриценко Г. П.
Ғуломова Б.
Долгополова Л. А.
Ибобеков А. С.
Исроилова П. А.
Қодиров З.
Қозоқбоев Ш.
Қосимов А. К.
Керимов А.
Лозицкий В. А.
Лутфитдинов Р.
Манданов И. А.
Мансуров А.
Мартинюк Н. К.
Миркомилов Т. М.
Мирёқубов Т. М.
Муталибов А. А.
Норхўжаев Ф.
Нотатуев Г. И.
Рафиқов Ғ. В.
Собиров А. Ф.
Сердобинцев В. Л.
Стрижиев С. И.
Тожиев Т.
Филатова В. И.
Хожибекова И.
Холбоева Ф. М.
Харчебинова Л. П.
Черкашин П. С.
Шарипова Д. Д.
Шиоалин В. И.
Шубладзе И.
Эрманов У.
Эрназаров Т.

ОБЛАСТЬ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА САЙЛАНГАН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ СОСТАВИ

Алиқулова Л. Ш.
Аҳмедов С.
Бобожонов Н. Т.
Бердиқулова М.
Валиев А. А.
Валишин М. Ш.
Гатаулин Ш. К.
Гусаков Н. И.
Жўраев У.
Жанпейсова Т. И.
Зоҳидов Ш.
Исломхўжаева М. С.
Исҳоқов О. У.
Қосимов Х.
Куднинов А. Н.
Мазуров Ю. К.
Маҳмудхўжаев Т.
Мирзаахмедова А.
Мирҳамитова Б. М.
Мирҳужаев М.
Мокин С. Д.
Мусаев А.
Носиров Н.
Нуруллаев Л.
Петякшев К. К.
Тўрахонов А.
Ҳамроқулов Х.
Ҳасанов Р.
Ҳасанова Д.
Шек В. Ф.
Шестакова О. А.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

31 январда Тошкент область XIX партия конференциясида сайланган область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

М. М. Мусахонов Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси, **В. А. Антонов** область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайландилар. **А. М. Хўжаев, Ф. Г. Потуремский, А. И. Икромов** область партия комитетининг секретарлари ва бюро аъзолари қилиб сайландилар. **Т. А. Алимов, С. Т. Тошқулов, У. У. Умаров, Ю. П. Максимов, А. В. Бранлов, Т. Солиҳов** область партия комитети бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Т. З. Орипов, О. З. Зуфаров, Б. С. Камолов, М. М. Муллаев область партия комитети бюро аъзолигига кандидатлар қилиб сайландилар.

О. З. Зуфаров область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири, **Э. Ш. Шодмонов** пропаганда ва агитация бўлими мудири, **Д. Д. Усачев** саноат, транспорт ва алоқа бўлими мудири, **К. Абдурахимов** енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими мудири, **Н. А. Масленников** қурилиш бўлими мудири, **В. Н. Хегай** қишлоқ хўжалиги бўлими мудири, **Н. Ф. Иброҳимов** фан ва ўқув юртлари бўлими мудири, **К. С. Галашко** маъмурий ва савдо-молиявий органлар бўлими мудири, **П. Н. Неъматов** умумий бўлим мудири, **У. Р. Бузруков** молиявий-хўжалик бўлими мудири этиб тасдиқландилар.

А. И. Шкуратов область партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси этиб тасдиқланди.

Пленум **А. И. Исмонлови**ни «Тошкент ҳақиқати» газетаси редактори, **Б. М. Шатуновский**ни «Ташкентская правда» газетаси редактори этиб тасдиқлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари ва аъзолигига кандидатлар **И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова**, КПСС Марказий Комитети масъул ходими **В. П. Басенко** иштирок этдилар.

* * *

Тошкент область XIX партия конференциясида сайланган область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. **А. Н. Кудинов** комиссия раиси этиб сайланди.

АБАДИЙ БИРГАМИЗ

УКРАИНА РОССИЯГА ҚАЙТА ҚУШИЛГАНЛИГИНИНГ 325 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНИБ КИЕВДА УТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Украина билан Россия диёрига катта ва шодиёна байрам келди: бундан 325 йил муқаддам қадимий Переяславлда «Абадий биргамиз!» деган оташин, даъват сўзлари жаранглаган эди. Украин халқи ўзининг тарихий тақдирини улуғ рус халқи билан боғлади. Қардош халқлар муштарак Ватанининг жонажон қучоғида бирлашиб ва куч-қудратларини ўн карра ошириб, улар катта зафарлар ва шонли жасоратлар йўлини, ривожланган социализм қуриш билан якунланган йўлни босиб ўтдилар. Бу юбилей — бутун кўп миллатли ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги шонли воқеа, интернационал дўстлик ва қардошлик ленинча идеалларининг тантанасидир.

30 январь куни Киевда меҳнаткашларнинг партия, совет ва жамоат ташкилотлари ҳамда Совет Армияси вакиллари билан биргаликда Украина Россия билан қайта қўшилганлигининг 325 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий «Асрий дўстликнинг, қардош халқлар монолит бирлигининг қудратли кучи» мавзуида доклад қилди.

Шу кунларда деди, ўртоқ В. В. Шчербицкий бутун мамлакатда улкан байрам — Украина Россия билан қайта қўшилганлигининг 325 йиллиги нишонланмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ва Украина Совет Социалистик Республикасининг партия, совет, жамоат ташкилотларига, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномаси байрамимизга алоҳида аҳамият ва тантанаворлик бахш этди. В. В. Шчербицкий табрикномани ўқиб эшиттирди, йиғилиш қатнашчилари табрикномани давомли қарсаклар билан қутиб олдилар.

В. В. Шчербицкий шонли юбилей муносабати билан йўллаган самимий табрикнома учун, эзгу истаклар ҳамда украин халқининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини, мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга Совет Украинасининг меҳнаткашлари номидан астойдил миннатдорчилик изҳор қилди.

(Давоми 2-бетда).

ПАРТИЯВИЙ ИШ УСЛУБИ ВА МЕТОДЛАРИНИ ҚУНТ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

(Бошы 1-бетда).

Аммо областнинг бу соҳадаги имкониятлари жуда катта. Кўпгина корхоналарда маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси ҳали етарли равишда жорий этилмаётганини фактлар кўрсатиб турибди. Бу-тур шу системани жорий этиш планлаштирилган 39 та корхонадан атиги 19 тасида шу иш ўтказилди. Ҳолбуки, Ангрен, Оҳангарон шаҳарларининг, Ғалаба, Калинин, Бўстонлиқ районларининг, Тошкент шаҳридаги Сергели, Чилонзор районларининг бир қанча корхоналарида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи ҳамон кам.

Маҳсулотнинг сифати учун кураш — беш йилликнинг туб вазифаларидан биридир. Бу иш областдаги ҳар бир меҳнат коллективининг энг муҳим қонуни бўлиб қолиши керак. Сизлар беш йиллик охиригача Сифат белгиси қўйилган маҳсулот салмоғини 25 процентга етказиш юзасидан ўртага қўйилган вазифани муваффақиятли уддалайсизлар, деб умид қиламиз.

Ўртоқлар! Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган планлари бажарилиши кўп жиҳатдан капитал қурилишнинг даражасига боғлиқ. Ўтган йили республикамиз учунгина эмас, умуман мамлакат учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатида йилига 750 минг тонна пўлат ишлаб чиқарадиган электр ёрдамида пўлат эритиш корхонаси ва Олмалиқ химия заводининг йилига 853 минг тонна концентрат фосфор ўғит ишлаб чиқарадиган учинчи навбати сингари йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилганлиги Тошкент қурувчилари катта ва фидокорона ишининг якуни бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати номидан шу саноат комплекслари қурилишида қатнашган қурувчиларга, монтажчиларга, ишлаб чиқариш ходимларига ва барча кишиларга фидокорона меҳнатлари учун сидқидилдан самимий ташаккур изҳор этишга, уларга сиҳат-саломатлик ва янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Пойтахт областида каттакатта саноат комплексларини, уй-жой биноларини, социал-маданий-маиший муассасаларни қисқа муддатда қуриш соҳасида салмоқли тажриба орттирилган. «Алмаликсвинецстрой», «Ўзбекшахтострой», 160-Чирчиқ трестлари, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати, «Жилстрой», «Висотстрой» трестлари ва бошқа кўпгина қурилиш ташкилотлари бир маромда ишлаб турибди.

Тўлқин Орипович Самиғов, Дмитрий Андреевич Зазулин, Иван Степанович Лиси, Михаил Метрофанович Овсянников, Екатерина Викентьевна Яшчук, Мамажон Саидович Саидов ўртоқлар бошлиқ бригадалар коммунистчасига, уюшқоқлик билан бир маромда меҳнат қилмоқдалар. Маълумки, улар бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажарамиз деган шонли ташаббусни бошлаб берган эдилар. Уларнинг сўзи билан иши бир жойдан чиқмоқда. Илғорлар ўз мажбуриятларини муваффақиятли равишда бажармоқдалар ва ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар.

Азиз ўртоқлар, зарбдор ишингиз учун, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ва сифатли ишга тушираётганингиз учун сизларга раҳмат!

Аммо партия бизга эришилган натижаларга маҳлиё бўлиб қолмангиз, натижаларни танқидий назардан ўтказингиз, мавжуд имкониятлар билан кўпроқ натижаларга эришингиз, резервлардан самарали фойдаланингиз, деб таълим бермоқда. Бизнинг резервларимиз кўп. Ўтган йилнинг ўзида пойтахт областида 15 та турли объект ишга туширилмай қолди. Иккиламчи алюминий заводи, Тошкент трактор заводидаги штамповка цехи, химия-фармацевтика заводи, Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасидаги янги қувватлар, Коммунистик районидаги балиқ хўжалигининг кўл ва ҳовузлари, «1-Пискент» совхозининг сут чорвачилиги комплекси синғарилар шулар жумласидандир. Уй-жой биноларини қуриб битказиш, шу жумладан қишлоқ уй-жой қурилиш кооперативлари учун биноларни битказиб бериш топшириғи бажарилмади.

Бу йил область партия ташкилоти олдида, область коммунистлари, барча қурувчилари олдида ғоят муҳим вазифалар турибди. Чирчиқ шаҳрида капролактам корхонаси, Тошкент трактор заводи, янги Ангрен ГРЭСи объектлари қурилишини жадал суръатлар билан олиб бориш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг объектлари қурилишидаги қолоқликни тугатиш керак.

Ўртоқлар, сизларга шуни маълум қилмоқчиманки, ҳозир шу комбинат қувватларини икки ҳисса оширишни кўзда тутувчи таклифлар кўриб чиқилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, комбинат учун хом ашё запаслари 100 йилга етади. Шу боисдан ҳам Олмалиқ шаҳар партия комитети, «Алмаликсвинецстрой» трестининг партия комитети, бутун коллективи бу йил комбинат объектлари қурилишида 40—45 миллион сўм маблағ ўзлаштириш учун қатъий чоралар кўришлари керак.

Бекобод шаҳар партия ташкилоти ҳам кўпгина ишларни қилиши керак. У электр ёрдамида пўлат эритиш корхонасининг қувватларини янада кўпайтириш ва ишга туширилган қувватларини ўзлаштириш, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатида прокат станлари қурилишини жадаллаштириш ишини қатъият билан олиб бориши лозим.

Оҳангарон шаҳрида клинкер қуйдиришнинг паст ҳароратли технологияси асосида цемент ишлаб чиқарадиган тажриба-саноат қурилмасини қуриш ва ишга тушириш зарур. Бу қурилманинг ишга туширилиши мавжуд қувватларда цемент ишлаб чиқаришни деярли бир ярим баравар кўпайтириш имконини беради.

Тошкент шаҳрида ҳам катта вазифалар ҳал этилиши лозим. Мен XXII Тошкент шаҳар партия конференциясида сўзлаган нутқимда республика пойтахтини шундай қуриш керакки, ундаги ҳар бир бино, ҳар бир янги проспект, ҳар бир майдон ёки хиёбон ўзининг беқиёс қиёфасига эга бўлсин, деган эдим. Бу — реал вазифа. Бу вазифани бажариш учун бир қолипдаги сийқа ва хира лойиҳаларга йўл қўймаслик, қурилиш самарадорлигини ва сифатини ошириш ва энг муҳими объектлар ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш зарур.

Янги Ўзбекистон ва Фурқат кўчалари туташадиган жойдаги Халқлар дўстлиги майдони комплекси ва унинг атрофидаги кўчалар қурилишини бинокорларнинг энг муҳим вазифалари қаторига қўшмоқ керак: шаҳарда уй-жой қурилишини бир миллион квадрат метрга етказиш лозим. Кино-концерт зали, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, партия тарихи институти ва халқ хўжалиги институти, комсомол Марказий Комитети бинолари, «Москва» меҳмонхонаси, телевидение минораси, Навоий номли кутубхона, Фестиваль кинотеатри, метрополитен линиясининг иккинчи участкаси қурилишини тезлаштириш керак.

Тошкент, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларидаги уйсозлик комбинатларини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш замирида самарадорликни оширишнинг катта-катта резервлари яширинган ётибди. Бу резервлардан фойдаланиш, уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, бошқа социал-маданий объектлар қурилишини анча яхшилаш имконини беради.

Қишлоқ қурилишига партия ташкилотлари алоҳида аҳамият беришлари керак. Бу масалага тўхталаётганимнинг сабаби бор. Тошкент области қишлоқларидаги ишлабчиқарувчи кучларни ривожлантиришда бир мунча орқада қолмоқда. Пойтахтдаги бир қанча сут комплекслари ва теплица хўжаликлари қурилиши белгиланган муддатидан деярли икки баравар узайиб кетмоқда. Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасини кенгайтириш ва реконструкция қилиш жуда чўзилди. Қишлоқларни қайта қуриш ва хутор системасини тугатиш анча суст бормоқда. Областда 15 тадан кам хонадон яшайдиган 216 та хутор бор, уларнинг 133 таси ўтган йил тугатилиши керак эди. Ҳақиқатда эса атиги 12 таси тугатилди. Хутор системасини тугатишнинг областдаги шу сурўатлари давом этаверса, бу иш камида йигирма йил вақтни олади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Область ва район партия комитетлари қишлоқ қурилишига партия раҳбарлигини тубдан яхшилашлари керак.

Ўртоқлар! Тошкент области — катта аграр район ҳам ҳисобланади. Беш йилликнинг уч йили мобайнида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги марраларга эришилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг барча асосий турларини етиштириш ва тайёрлаш планлари ошириб бажарилди. Белгиланган ҳажмлардан ташқари давлатга 80 минг тоннадан зиёд пахта, 141 минг тонна дон, 470 минг тонна мева-сабзавот, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа кўпгина маҳсулотлари топширилди.

Бениҳоя оғир иқлим шароитларига қарамай, 1978 йил муваффақиятли якунланди. Пахта етиштириш плани ошириб бажарилди. Тайёрлов пунктларига 430 минг тоннадан зиёд пахта элтиб берилди, ҳосилнинг 78 проценти машинада терилди, гектар бошига ҳосилдорлик 31,5 центнер бўлди. Гектар бошига ўрта ҳисобда 38,2 центнер пахта ҳосили олган Ғалаба райони, 36,5 центнер ҳосил олган Чиноз, 35,3 центнер ҳосил олган Коммунистик районларининг пахтакорлари айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бўка райони меҳнатчилари пахта тайёрлаш планини 112 процент бажардилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида катта муваффақиятларга эришилди. Давлатга дон сотиш плани 159 процент, сабзавот — 131, картошка — 110, полиз маҳсулотлари — 120, мева — 177, узум сотиш плани — 122 процент бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари, пилла ва бошқа маҳсулотлар сотиш планлари муваффақиятли бажарилди. Давлатга 110 минг тоннадан зиёд дон сотган ғаллакорлар ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Областда манкажўхори ҳосилдорлиги гектар бошига 72 центнерни, шоли ҳосилдорлиги 53 центнерни ташкил қилди.

Сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Калинин, Тошкент, Оржоникидзе ва Бўстонлиқ районларининг деҳқонлари йил сайин яхши натижаларга эришиб келмоқдалар. Ўтган йили улар давлатга 400 минг тонна яъни 1968 йилда областнинг барча хўжаликларида тайёрланганидан икки баравар кўп сабзавот сотдилар.

Ҳозирги вазифа шундан иборатки, орттирилган тажрибадан ва кўпайиб бораётган моддий техникавий имкониятлардан моҳирона фойдаланиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришиш керак. Беш йилликнинг тўртинчи йилида КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошириш учун жонбозлик билан ишлашимиз лозим.

1979 йилда тошкентликлар камида 440 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотадилар, унинг ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга етказадилар, ҳосилнинг 90 процентини машинада териб оладилар, деб умид қилишга ҳақлимиз.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш ва шу экинлар маҳсулотини кўпроқ етиштириш зарур. Бу йил 270 минг тонна дон етиштириб, шундан 110 минг тоннаси давлатга топширилиши керак. Сабзавот тайёрлаш 510 минг тоннага, картошка — 70 минг тоннага, мева — 86 минг тоннага, узум тайёрлаш 80 минг тоннага етказилиши лозим.

Чорвачиликни янада юксалтириш ва аввало, гўшт етиштиришни кўпайтириш — ҳаётий муҳим вазифадир. Бу масалани биз зўр ғайрат ва қатъият билан ҳал этишимиз керак. Вазифа шундан иборатки, беш йиллик охиригача гўшт етиштириш 1977 йилга нисбатан 2 баравар кўпайтирилсин ва шу йилнинг ўзидаёқ 48 минг тонна, 1980 йилда 55 минг тонна гўшт етиштирилсин. Сут етиштириш бу йил 167 минг тоннага ва 1980 йилда 180 минг тоннага, тухум етиштириш бу йил 320 миллион донага ва келгуси йилда 380 миллион донага етказилсин.

Ана шу мураккаб вазифани уддалаш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш лозим. КПСС Марказий Комитетининг мактубида баён этилган йўл-йўриқларни ижодий амалга ошириб, чорвачилик комплекслари ишини чинакамига йўлга қўйиш, хўжаликлараро мол боқиш ва зотдор ёш моллари боқиб ўстириш кооперациясини бутун чоралар билан ривожлантириш ва такомиллаштириш, жамоат секторидаги ва аҳолидаги чорва туғғини ва паррандаларни кўпайтиришга зўр бериб ҳаракат қилиш керак. Ем-хашак базасини жуда қатъият билан яхшилаш зарур. Бунинг учун имконият лар бор. Шу мақсадда биз Паркент каналини қураяпмиз. Шу канал тезлашган бўлса, 8 минг гектардан зиёд янги ер ўзлаштирилади. Янги совхозлар, чорвачилик комплекслари барпо этяпмиз.

Аҳоли кўпайган сайин унинг эҳтиёжлари тез ортмоқда. Бунинг сабаби равшан. Одамларимиз яхшироқ, маънавий бадавлат яшай бошладилар. Бизнинг бурчимиз Тошкент шаҳри ва областининг 4 миллион аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Яқин йилларда Тошкент шаҳри ва областининг аҳолиси 5 миллионга етади. Унинг эҳтиёжларини қондириш учун чорвачилик маҳсулотлари ва мева-сабзавот етиштиришни кескин кўпайтириш зарур.

Тошкент ва бошқа саноат шаҳарларининг аҳолисини янги сабзавот ва мева билан бутун йил бўйи таъминлаш проблемасини қисқа муддатларда ҳал этиш учун теплица ва сабзавот-мева омборларини кўпроқ қуриш лозим.

Бу — қийин вазифа. Аммо Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комил ишонч билан айтадики, область партия ташкилоти, барча коммунистлар ўз мавқелари даражасида туриб, зўр уюшқоқлик кўрсатадилар ва бу вазифанинг бажарилишини таъминлайдилар.

Ўртоқлар! Тошкент область партия ташкилоти ўзининг XIX партия конференция сини жиплашиб ва мустаҳкамланиб кутиб олди. Ҳозир бу — республика партия ташкилотининг энг катта за жанговар отрядидир. Бу ёрда ўсиб вояга етган ва тарбиланаётган ажойиб кадрлар сиёсий етуклиги, масъулият туйғусини сезиши, ташаббуси, илғор тажрибани пайқаб, қўллаб-қувватлай олиши билан ажралиб туради. Билимдонлик, ишчанлик, юксак шахсий меҳнат маданияти, активларни жиплаштира олиш маҳорати кўпчилик партия, совет, хўжалик раҳбарларига хос хусусиятдир.

Область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун актив ишламоқдалар. Дарҳақиқат — зафарларимизнинг кўлами жуда катта. Аммо бир талай муаммоларимиз ҳам бор. Олдимизда турган вазифалар доимо мураккаблашиб бормоқда, коммунистларнинг масъулиятя кескин ошмоқда.

Ҳозир партия ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий иши 1979 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини тўла ҳамда ошириб бажаришга, беш йилликни муносиб равишда тугаллашга бўйсундирилган бўлиши лозим. Бунинг учун биз кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш, тарбиялаш ишини доимо яхшилашимиз, интизомни мустаҳкамлашимиз, масъулият ва уюшқоқликни оширишимиз керак. Одамлар ўзларининг бой имкониятларини тўла-тўкис намоён қилишлари, меҳнат ва технология интизомини бузувчиларга қарши муросасиз курашишлари учун ҳамма жойда ижодий ишлаш вазиятини вужудга келтириш керак. Бу ишда меҳнат коллективларининг сиёсий ўзаги бўлмиш коммунистлар, комсомоллар, бошланғич партия ташкилотлари муҳим роль ўйнайдилар. Тошкент областида 3900 дан ортиқ бошланғич партия ташкилоти, 153 минг коммунист бор. Улар энг мураккаб ва катта вазифаларни бажаришга қодирдирлар.

Ўртоқлар! Биз келгусидаги вазифалар тўғрисида гапирганда партия комитетлари бу вазифаларни умидворлик, чинакам ўртоқлик, ўзаро ҳурмат, хайрихоҳлик, холисона партиявий талабчанлик вазиятида амалга ошириш устида ишлашларини назарда тутамиз. Кадрларга ленинча иш услубини сабот билан ўргатиш, коммунистларни, барча меҳнаткашларни юксак талабчанлик руҳида, эришилган натижаларга танқидий назар билан қараш руҳида ўмилкорлик билан тарбиялаш лозим.

Шу кунларда республикада СССР Олий Советига сайлов кампанияси кенг қулоч ёзган. Бу кампания меҳнаткашларнинг юксак активлиги, уюшқоқлиги, КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун умумхалқ кураши вазнятида ўтмоқда. Яхши анъанага кўра меҳнаткашлар шу кунни янги ютуқлар билан нишонлашга интилмоқдалар. Кўпгина коллективлар, минглаб меҳнатчилар 4 мартгача квартал топшириқларини бажаришга қарор бердилар. Бизнинг вазифамиз ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат жўшқинлигини кучайтиришдан, уни ўнинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли бажаришга қаратишдан иборат.

Сайлов кампанияси янги масъулиятли босқичга кирмоқда. — депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бошланмоқда. Уни уюшқоқлик билан ўтказиш керак. Биз шунга ғоят аминмизки, область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси тевараги га маҳкам жиплашиб, СССР Олий Советига сайловни коммунистик бунёдкорликнинг барча соҳаларида янги зафарлар билан кутиб оладилар, бутун кучлари, билимлари ва тажрибаларини Ленин партиясининг улуғвор режаларини амалга оширишга сарфлайдилар.

Азиз ўртоқлар, Тошкент областининг коммунистларига, барча меҳнаткашларига меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, кўпдан-кўп қувонч ва шахсий бахт-саодат тилашга ижозат бергайсизлар. (Давомли қарсаклар).

АБАДИЙ БИРГАМИЗ

(Бошы 1-бетда).

Ҳар бир халқнинг тарихида, деб давом қилди сўнгра докладчи, чинакам даврий аҳамиятга эга бўлган воқеалар бор. Украинанинг Россия билан қайта қўшилганлиги украин халқи учун ана шундай воқеа бўлиб қолди. 325 йил муқаддам икки қардош халқ — рус ва украин халқларининг бирлик, бузилмас дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги асрий орзу — умидлари рўёбга чиқди. Асрлар давомида шу халқларнинг ақли ва қалбини эгаллаб келган ва орзу қилинган ғоя ўзининг моддий ифодасини топди.

«Ҳаммамиз абадул-абад бирга бўлайлик», — чин қалбдан айтилган ана шу сўзлар қадимий Переяславлнинг халқ билан лиқ тўлган майдони узра 1654 йилнинг қуёшли январь кунида таннали бонг бўлиб жаранглади ва бутун Украина бўйлаб қудратли акс—садо берди.

«Абадий биргамиз!» бизнинг халқларимиз ҳамиша—умумхалқ тантаналари чоғида ҳам дахшатли синов йилларида ҳам ана шу қасамга содиқ бўлиб қолдилар. Бу муқаддас туйғу мустаҳкамланди ва эксплуататорларга қарши курашда енгилмас кучга айланди. Турли миллат меҳнаткашларининг бузилмас бирлиги ва дўстлиги Улуғ Октябрнинг ғалабаси натижасида янги мазмун билан бойиди. Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин Ленин ибораси билан айтганда, халқларнинг буюк интернационал қардошлиги биринчи марта амалда рўёбга чиқди.

Украинанинг Россия билан қайта қўшилганлиги, деб таъкидланади докладда, украин халқининг бутун ҳаётида бурилиш босқичини бошлаб берди. Докладчи ўқтириб ўтганидек бу буюк ишнинг тарихий аҳамияти шундаки, икки қардош халқнинг таркиб топган бирлиги абадий мустаҳкамланди, В. И. Ленин таъриифлаганидек, қайта қурилиш бу халқларни иқтисодий, ҳуқуқий ва маиший характердаги миллионларча ва миллиардларча риштаслар билан боғлади, уларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий потенциалини кўп карра ошириди, ягона давлатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўстиришга ёрдам берди, жаҳон майдонида Россия давлатининг позицияларини мустаҳкамлади. Икки буюк қардош халқларнинг қайта қўшилганлиги Россияга интилган бошқа халқлар учун уларнинг миллий тарихий тақдирини бирдан-бир тўғри ҳал этишнинг чинакам намунаси бўлди.

В. И. Ленининг большевиклар партиясини — янги типдаги партияни чинакам пролетар интернационалистлари партиясини тузганлиги улуғ ватанимизнинг барча халқлари каби украин халқининг тақдири учун ҳам бебаҳо аҳамиятга эга бўлди.

Украина меҳнаткашлари рус қардошларидан кейин Октябрнинг қизил байроғи остига ўтдилар ва 1917 йилнинг декабрида Украинани Совет республикаси деб эълон қилдилар. Октябрь революциясининг Украинада ғалаба қозонганлиги — Россиядаги революцион жараённинг ажралмас таркибий қисми— рус ва украин пролетарлари ҳаракат бирлигининг қонуниятли натижаси, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси бўлди.

Сўнгра докладчи айтдики, муқаддас дўстлигимизнинг, совет халқлари бузилмас бирлигининг кучи Октябрь ғалабаларининг қисмати ҳал этилган тарихий бурилишларда неча бор синовдан ўтди. Улуғ Ватан уруши буни айниқса яққол кўрсатди. Унинг оғашин кунлари ва тунлари халқ қаҳрамонлиги ўлмас йилномасининг, совет жамияти монолит интернационал бирлигининг жонли саҳифалари бўлиб қолди.

Фашист босқинчиларига қарши биргаликдаги кураш қардошлигимизни янада метиндек мустаҳкамлади, деди сўнгра В. В. Шчербицкий. Уруш вайрон қилган хўжаликни тиклаш қаҳрамонона йиллари ҳам буни яққол кўрсатди. Леонид Ильич Брежнев «Тикланиш» китобида бу ҳақда ёркин ва таъсирли қилиб гапириб берди. Неча бор бўлгани сингари бу сафар ҳам бутун мамлакат Украинага кўмак бергани келди.

Партиямиз миллий муносабат масалаларини бутун мамлакатнинг ва алоҳида-алоҳида ҳар бир республиканинг манфаатларини кўзлаб, коммунистик бунёдкорлик манфаатларини кўзлаб ижодий ҳал этяпти. Партия социалистик миллатлар равнақи ва уларнинг қадам-баҳадам яқинлашувидан иборат ленинча йўлни изчиллик билан амалга ошириб бормоқда. ССР Иттифоқидаги ҳамма синфлар, социал группалар, миллат ва элатлар муштараклиги мустаҳкамланмоғи учун ҳамма ишларни қилмоқда.

Ўз сафларида юздан ошиқ миллат вакиллари бўлмиш 2,8 миллиондан зиёд кишини бирлаштирувчи Украина Компартияси КПССнинг жанговар, синаллари отряди дир. Украина Компартияси биринчи кунлариданоқ ленинча бош йўлни амалга ошириш учун курашда КПСС Марказий Комитетининг мустаҳкам таянчи бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ҳозирги вақтда партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг бутун диққат-эътибори беш йиллиқнинг қолган икки йили планларини, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қўйган масъулиятли вазифаларни, 1979 йилги социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратилган.

Украина меҳнаткашлари мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплексини мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссасини муттасил кўпайтиришни, янги тарихий бирлик — совет халқи негизлари ва анъаналарини ҳар томонлама мустаҳкамлашни, КПСС билан совет давлатининг социализм кучлари, халқаро ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати ва ифоқини мустаҳкамлаш, мустаҳкам тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашида актив иштирок этишни ўзининг интернационал бурчи деб биладилар.

Республика партия ташкилотларида яқинда тугаган ҳисобот сайлов кампанияси, сайловчиларнинг сайлов олди йиғилишлари, деди сўнгра В. В. Шчербицкий, Украина халқи партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС ленинчи Марказий Комитетининг, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик учун отаётган курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини актив равишда қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатувчи ёркин ва ишонтирарли намойиш бўлди.

В. В. Шчербицкий доимий ғамхўрлиги ҳамда экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда Украина ССРга ҳар томонлама ёрдам бераётганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга Совет Украинаси меҳнаткашлари номидан астойдил миннатдорчилик ва сидқидилдан ташаккур изҳор қилди ҳамда украин халқи севикли ватанимиз — Улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи гуллаб-яшнаши учун ҳамма ишни ва жо келтиради, деб ваъда берди.

В. В. Шчербицкий пировардида бундай деди: рус халқи билан, она-Ватанимиздаги барча халқлар билан бирлик ва дўстлик Украина меҳнаткашларининг Коммунистлар партиясига ва унинг мардона, отаётган ва олижаноб қалби — КПСС ленинчи Марказий Комитетига садоқати муқаддас бўлгани каби бизу учун шу қадар муқаддасдир.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг раиси, Россия Федерацияси делегациясининг бошлиғи **М. С. Соломенцевга** сўз берилади. Ушбу тантанали кунда, деди М. С. Соломенцев, юбилей мажлисининг қатнашчиларини, Совет Украинасининг барча меҳнаткашларини бизнинг муштарак ажойиб байрамимиз — Украина Россия билан қайта қўшилганлигининг 325 йиллиги билан сидқидилдан муборакбод этишдек юксак шарафга муяссар бўлдим. Рус халқи ва Россия Федерациясидаги барча халқлардан, республика Олий Совети ва ҳукуматидан қардошларча қизғин салом ва энг яхши истакларни зўр қувонч билан тоширамман.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг икки қардош республика меҳнаткашларига йўллаган ва бугун эълон қилинган табрикномасида Украинанинг Россия билан қайта қўшилганлиги халқларимизнинг тарихий тақдири учун нақадар зўр прогрессив аҳамиятга эга бўлганлиги таъкидлаб ўтилган. Уларнинг қайта қўшилиши бу халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушди ҳамда келиб чиқишининг биолиги, тилининг ўхшашлиги, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг қадимийлиги, умумий душманларга қарши биргаликда олиб борилган озодлик кураши билан белгиланди. Халқларимиз порлоқ бузилмас дўстликка асрлар мобайнидаги дахшатли синовларда содиқ бўлиб қолдилар.

Ленин партияси раҳбарлигида пролетариатнинг Октябрь ғалабаси учун, жамиятни социалистик негизда қайта қуриш учун олиб борган революцион курашида украин ва рус халқларининг қардошлиги айниқса ёркин намоён бўлди ва барҳаёт қардошлик бўлиб қолди. Украин халқи ва бошқа халқларнинг энг яхши фарзандлари руслар, Питер ишчилари билан бирга қизил гвардиячиларнинг бир сафида қишки саройга ҳужум қилдилар.

Партиямиз улуғ Ленин раҳбарлигида пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги байроғини баланд кўтарди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ташкил этилганлиги ленинча миллий сиёсатнинг чинакам тантанаси бўлди. Украин халқи эркин миллатларнинг ана шу қардошлик иттифоқини вужудга келтириш учун биринчилардан бўлиб курашди. Ягона кўп миллатли социалистик давлатнинг ташкил этилганлиги, деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, ватанимизнинг социал, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий эттиришнинг мисли кўрилмаган имкониятларини очиб берди.

Халқларимизнинг қудратли ижодий кучлари ягона қардошлик оиласида ўзининг бутун тўлалиги ва салобати билан қулф уриб яшнади. Улар кураш ва бунёдкорликнинг чинакам буюк йўлини бирга босиб ўтишди, ривожланган социалистик жамият, шахснинг эркин, ҳар томонлама камол топиши учун кенг уфқ очиб берган энг юксак инсонпарварлик, чинакам халқ ҳокимияти жамияти барпо этилгани бу йўлнинг муносиб якуни бўлди. Бу йўл билан, ана шу улуғвор муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар СССРнинг янги Конституцияси — мамлакатнинг Асосий қонуни да мустаҳкамланди.

Эндиликда, деди сўзини давом эттириб М. С. Соломенцев, Совет Украинаси билан Россия Федерацияси юксак даражада ривожланган, гуллаб-яшнаб турган социалистик республикалардир. Социализм экономикани, маданиятни, одамларнинг турмуш шароитини таниб бўлмас даражада ўзгартирди. Шаҳар ва қишлоқдаги турмушимиз нақадар тез яхшиланиб бораётганини, халқнинг фаровонлиги муттасил ошаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Украин ишчилари, ғаллакорларининг меҳнатсеварлиги, миришкорлиги, олимларнинг истеъдоди ва зеҳни ўткирлиги, адабиёт ва санъат ижодкорларининг кўп қирралиги, ёркин таланти туфайли республикангиз мамлакатимизда ва чет элларда яхши шуҳрат қозонди. Биз шунга ғоят аминмизки, қардош украин халқи КПССнинг жанговар отряди бўлмиш шонли Украина Коммунистик партияси раҳбарлигида коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янги катта муваффақиятларга эришаверадилар.

Дўстлар ва қардошлар орасидаги удумга кўра биз ўз ишларимиз тўғрисида, нималар қилингани ва қилинмоқчи экани ҳақидаги фикрларимизни бир-биримиз билан баҳам кўрамиз. Россия Федерациясида ҳам экономика, ижтимоий ва маънавий ҳаёт соҳаларида катта ютуқларга эришилди. Ҳозир республика саноати икки кун ичида ишлаб чиқараётган маҳсулот революциядан олдинги бутун Россияда бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига тахминан тенг келади. Ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланмоқда, фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқлар илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Бултур республика ғаллакорлари бутун деҳқончилик тарихи давомида мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирдилар. Украинада бўлганидек, ўтган йили республикамизда яшовчи ҳар бир киши ҳисобига ўрта ҳисобда 1 тоннадан дон олинди. Бу натижа ҳаммамизни қувонтиради, аммо зиммамизга кўпгина масъулият ҳам юклайди. Партиямиз Россия воқоратупроқ зонасини обод қилишни умумхалқ иши деб ҳисобламоқда. Ҳозирги ривожимизнинг жўшқинлиги Сибирь ва Узоқ Шарқнинг, республика беповё территорияси энг олис бурчакларининг ишлаб чиқарувчи кучлари гуркираб ўсаётганида равшан намоён бўлмоқда. Шарқий ва шимолий районларнинг табиий бойликларини ўзлаштириш негизида халқ хўжалиги тармоқлари жойланишининг янги географияси таркиб топмоқда.

Ҳар бир иттифоқдош республиканинг ҳаёти, деди сўнгра нотиқ, бошқа республикаларнинг ҳаёти билан чамбарчас боғланган. Ривожланган социалистик жамият шароитида, яхлит халқ хўжалик комплекси доирасида уларнинг ихтисослаштириш ва кооперациялаш асосидаги ялпи меҳнати тобора катта аҳамият касб этмоқда. Социалистик мусобақа халқларимиз дўстлигининг яққол тимсоли бўлиб қолди. Бунда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизнинг интернационаллашувидан, одамларнинг янги буюк тарихий бирлиги бўлмиш совет халқини ташкил этувчи мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг яқинлашувидан иборат кучайиб бораётган жараён яққол намоён бўлиб турибди.

Бизнинг давримизда ҳам буржуа пропагандаси халқлар ўртасига нифоқ уруғларини сочишга, бизнинг яхши қардошлик муносабатларимизни хиралаштиришга зўр бериб уринмоқда. Шу йўлда ғарбдагилар куч ва воситаларни аямяптилар. Советларга қарши шовқин-суронли жазавада энг чиркин ва ёвуз овозлар Пекиндан эшитилмоқда. Аммо, улар беҳуда уринадилар. Халқларимизнинг бирлигини, уларнинг ўз ленинчи партияси теварагидаги жипслигини буза оладиган куч йўқ.

Советлар мамлакати, иттифоқдош республикаларимизнинг ҳар бири нақадар зўр чўққиларни забт этганликларини дўстларимизгина эмас, бутун дунё аҳли ҳам кўриб турибди. Бу муваффақиятларда ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, барча миллат ва элатларнинг фидокорона меҳнати мужассамлашган. Бу муваффақиятларда Ленин партиясининг буюк заковати, унинг ички ва ташқи сиёсати кучи ва ҳаётийлиги ўз ифодасини топган. Бу сиёсат кенг оммаларнинг, барча миллат ва элатларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, шу туфайли улар бу сиёсатни астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Бу муваффақиятларда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитетининг, замонамизнинг атоқли арбоби Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баҳодирона ташкилотчилик иши мужассамлашган. Социалистик ватаннинг, ҳар бир республикаларнинг равнақи тўғрисидаги, халқларнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг қардошларча дўстлигини, бутун социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги учун Леонид Ильичдан Совет Итт

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Илгари хабар қилганимиздек, 30 январда Тошкент область партия конференциясида Тошкент область партия комитети ва область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг докладлари юзасидан музокаралар бошланди.

Сўз Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **У. У. Умаров**га берилади.

— Республика пойтахти коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқини зўр кўтаринкилик билан кутиб олдилар, — деди у. — Барча меҳнат коллективлари Пленум қарорларига жавобан ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан конкрет мажбуриятлар олмоқдалар.

Шаҳарда беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 24 процентдан кўпроқ ўсди. Ўсишнинг 83,6 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Маҳсулотларнинг кўпгина муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлар ортиғи билан адо этилди. Ўтган уч йилда тўқ қизинчи беш йилликнинг шу даврига нисбатан 1,5 марта кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Шаҳар саноатчилари ростовлик ва янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш юзасидан бошланган ташаббусларини, СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунинг бир йилдлигигача уч йиллик топшириқни бажариш юзасидан бошлаган ҳаракатни қизғин қўллаб-қувватладилар. Натижада беш йилликнинг уч йили мобайнида қўшимча 226 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Саноатчилар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга унинг сифатини ҳам бутун чоралар билан яхшиламоқдалар. Уч йил мобайнида давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотлар 2,5 марта кўпайди. Ҳозирги кунда 750 хил маҳсулот фахрли беш қирра билан чиқарилмоқда.

Капитал қурилиш соҳасида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. 2,5 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Кўплаб янги мактаблар, шифохоналар, болалар муассасалари фойдаланишга топширилди. Маданий-маиший объектлар қурилиши кўлами кенгайди.

КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми талаблари асосида ўз ишимизга бир назар ташласак, ҳали кўпгина резервлар фойдаланилмаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Кўп тармоқли хўжаликнинг айрим участкаларида социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлиги назорат қилинмаяпти, ростовлик ва янгийўлик саноатчилар ташаббуси кенг қулоч ёймаяпти. Шаҳардаги ҳар беш корхонанинг бири саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатларини ошириш бўйича беш йилликнинг уч йили топширғини бажара олмади. Айрим корхоналар бир маромда ишламади, меҳнат унумдорлигини ошириш, тежамкорлик режимини кучайтириш бўйича қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Шаҳарда янги объектлар қуриш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, абразив буюмлари комбинатида янги қувватлар ишга туширилмоқда. Лекин қурилиш суръатларини бундан ҳам ошириш имкони бор. Бунинг учун ишчи кучлари ва механизмлардан рационал фойдаланиш, бинокорларнинг куч-гайратини ошириш керак.

Беш йилликнинг қолган йилларида шаҳар меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Шу йилнинг ўзида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан 8 процент ошириш, планга қўшимча 80 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш, сифат белгиси билан тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини эса 18 процентга етказиш керак. Бу вазифаларни бажармоқ учун омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларни янада кучайтириш талаб этилади.

Миқдарда Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Т. Исломов.** У КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида баён этилган қоида ва кўрсатмаларни бажариш юзасидан район коммунистлари ва барча меҳнаткашлари амалга ошираётган ишлар ҳақида батафсил тўхталди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида районда пахта етиштириш 24,5 процент, гектар бошига олинган ҳосил эса 5 процент ошди. Ҳисобот даврида давлатга 200 минг тонна пахта сотилди. Бу ҳосилнинг 18 минг тоннаси планга қўшимча равишда етказиб берилди.

Айниқса ўтган йили район пахтакорлари табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, ажойиб муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар давлатга 69 минг тонна «оқ олтин» сотиб зиммадаги юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар. Гектар бошига олинган ҳосил 32 центнерни ташкил этди.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш учун ҳосилни тўла машиналарда йиғиштириб олишга эришмоқ керак. Лекин ҳали ҳам пахтанинг каттагина қисми қўлда терилмоқда. Мавжуд подборщиклар унумдорлиги ниҳоятда паст. Биз пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси ва САИМЭдан янада такомиллашган серунум подборщиклар етказиб беришларини илтимос қиламиз.

Сергели районидаги 13-кўприк қуриш отряди кранчилар бригадасининг бошлиғи **Н. Ф. Колганова** иш сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисида гапирди. Кўприк қуриш отряди коллективи қурилиш-монтаж ишлари уч йиллик планини 104,6 процент адо этди. Шу давр мобайнида 43 та объект фойдаланишга топширилди. Бу объектларнинг 75 проценти аъло баҳолар билан, 25 проценти эса яхши баҳолар билан қабул қилинди.

Коллектив ҳозирги кунда Паркент магистрал каналини Оҳангарон дарёсининг айланма канали устида қуриляётган кўприкларни бунёд этмоқда. Бу объектлар қурилишига биз масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда киришганмиз. Лекин бош пудратчи «Паркентводстрой» ва «Ташоблмелиоводстрой» трестлари зарур бўлган бинокорлик материаллари, конструкциялари, техник ҳужжатларни ўз вақтида етказиб бермаяпти. Натижада ўтган йилги планимиз Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министрлиги объектлари бўйича 86 процентда қолиб кетди. Қурувчилар ва заказчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш вақти келди. Бундан ҳар икки томон ютади.

Делегатлар Пискент районидаги Тельман номли колхоз бригада бошлиғи **Н. Алимбоева**нинг сўзларини қизиқиш билан тингладилар. Нотиқ пахтачиликни ривожлантиришда, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш йўлида бригада коллективи эришаётган ютуқларидан, беш йилликнинг тўртинчи йилида бажарилиши лозим бўлган вазифалардан гапирди.

— Шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб беш йилликнинг уч йили планини муваффақиятли бажардилар,— деди Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. М. Муҳамедов.**— Шу давр мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини ўстириш плани 168 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш плани эса 107,5 процент бажарилди. Бу ўсиш ўнинчи беш йиллик топшириғи даражасига мос келади. Ўсишнинг барчасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Планга қўшимча равишда 17 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ҳозирги кунда Олмалиқ давлат Сифат белгиси билан 28 хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шаҳар бўйича тайёрланаётган ялпи маҳсулотнинг 22 проценти фахрли беш қирра билан чиқарилмоқда.

Нотиқ ютуқларни таъкидлаш билан бирга йўл қўйилган баъзи бир нуқсонлар устида ҳам тўхталди. Министрликлар ўз корхоналари учун план белгилаётган пайтларида барча шароитларни ҳисобга олмайдилар. Планлаштириш органлари қурилиш-монтаж ташкилотлари учун ҳам шарт-шароитлар яратиб беришлари керак.

— КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи халқимизнинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада ошириб юборди, — деди Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Назир Сафаров.**— Биз ҳаммамиз Ўзбекистон пахтакорларининг қаҳрамонона жасоратига гувоҳмиз. Улар об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бердилар.

Нотиқ китобсеварлар жамияти олиб бораётган ишлар тўғрисида кенг тўхталди. Тошкент область китобсеварлар жамияти кейинги пайтда неча бор китобхонлар конференциялари ўтказди, китоб пропагандаси бўйича қатор тадбирларни амалга оширди, ёзувчилар, жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш новаторлари билан учрашувлар уюштирди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» асарларини ўрганиш ва пропаганда қилиш китобсеварлар жамияти ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу асарлар биз учун доно дарсликдир. Улар курашга ва ғалабага ўргатади.

Сўз Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари **С. У. Султонова**га берилади.

— Районимиз партия ташкилоти олиб бораётган катта сиёсий ва тарбиявий ишлар меҳнаткашларни ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишга, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришга қаратилгандир, — деди у. — Район партия комитети, бошлангич партия ташкилотлари ўз иш услуб ва методларини тинмай такомиллаштириб бормоқдалар, ғоявий-сиёсий тарбияга комплекс ёндошувни таъминламоқдалар. Ғоявий-сиёсий ишлар масаласини комплекс ҳал қилиш юзасидан тузилган перспектив план муваффақиятли бажарилмоқда. Сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг барча формаларида ҳозир 46 минг киши ўқимоқда. 9 мингдан ортиқ сиёсий ахборотчи, агитатор ва лектор партия сўзини омма онгига етказяпти.

Нотиқ омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишда коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетлари роли тўғрисида тўхталди.

Район хўжалигида ҳали бир қатор нуқсонлар ҳам бор. Айниқса қурилиш суръатини тезлаштириш ва сифатини яхшилаш муҳим вазифалардан биридир. Қурилиш ташкилотларида Злобин методини кенг ёйиш лозим.

Тошкент электрон техника заводи йиғувчиси **М. М. Маҳкамова** маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилаётган талбирлар устида тўхталди. Бу соҳада социалистик мусобақа муҳим омил бўлмоқда. Мусобақада актив қатнашаётган илғорлардан 19 киши 2,5 йилда беш йиллик топширигини бажариб қўйди. Улар орасида А. Муҳамедов, А. Вдовин, В. Дуйкин каби коммунистлар бор.

Завод партия комитети қолоқларсиз ишлаш ҳаракатини ривожлантириш устида алоҳида қайғурмоқда. Корхонада ишчилар малакасини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш устида катта ғамхўрлик қилинмоқда. 2 мингдан ортиқ ишчи ёшларга ўз тажрибасини ўргатмоқда, уларга мураббийлик қилмоқда.

Нотиқ иккинчи сменада қувватлардан унумли фойдаланилмаётганлигини ташвишланиб гапирди. Айрим цех ва участкалар ўз зиммаларидаги топшириқни бажармаяпти. Қолоқлар билан алоҳида шуғулланиш, уларни илғорлар даражасига етказиб олиш керак.

— 1974 йилдан бери партия ташкилотимиз ғоявий-сиёсий ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларини перспектив планлаштиришга ҳолда бажармоқда, — деди Тошкент политехника институти партия комитетининг секретари **И. А. Ливерко.** — Ишни бундай ташкил этишдан мақсад юксак ўзлаштиришга эришиш, тайёрланаётган мутахассислар малакасини оширишдан иборатдир. Тўқизинчи беш йилликда институт халқ хўжалигига 12 мингдан ортиқ мутахассис етказиб берди, студентларнинг ўзлаштириш даражаси анча ошди.

Институт партия комитети студентлар сиёсий маорифи клубини тузиш юзасидан комсомол комитети бошлаган ташаббусни маъқуллади ва бу ташаббусни кенг қулоч ёйдиришга қўмаклашди. Клуб ишлари Тошкент область партия комитети бюроси томонидан маъқулланди.

Нотиқ, ютуқларни таъкидлаш билан бирга ўқув ва тарбия ишларини намунали йўлга қўйишга тўсқинлик қилаётган баъзи бир нуқсонлар устида ҳам тўхталиб ўтди.

— Биз қишлоқ хўжалиги учун такомиллашган пахта териш машиналари етказиб беришга даъват этилганмиз, — деди пахтачилик машиналари бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси слесари **В. И. Шумаков.** — ХВН-1,2 энг яхши пахта териш агрегатларидан бири ҳисобланади. Олимлар тайёрлаётган техника деҳқонлар таҳсинига сазовор бўлаётганлиги биз ишчиларни ҳам қувонтиради. Лекин эришган ютуқлар билан чегараланиб қолмаслигимиз керак. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларида пахтакорлар учун янада такомиллашган терим агрегатлари етказиб бериш зарурлиги уқтирилди. Пленум қарорларига амалий иш билан жавоб бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Мен пахта териш машиналари учун зарур бўлган мураккаб узелларни тайёрлайман. Агрегатнинг сифатли ишлаши кўп жиҳатдан менга ўхшаган ишчиларнинг сидқидилдан қилган меҳнатига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам биз ўз вазифамизга масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ёндошмоқдамиз. Шу ўринда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар устида ҳам тўхталмоқчиман. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишчилар маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак.

Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари **З. Н. Абдураҳимов** ўз сўзида саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотлари ишини атрофлича анализ қилиб берди. Райондаги 30 та корхонанинг ҳаммаси ўтган уч йил ликда реализация бўйича планларини муваффақиятли бажариб келди. Тураржойлар, мактаблар, боғча ва яслилар, медицина муассасалари қуриш планлари ҳам адо этилди.

Район партия комитети районни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш беш йиллик комплекс планини ишлаб чиққан. Бу меҳнат коллективлари активлигини оширишга хизмат қиляпти. Район партия комитети ҳузурида тузилган илмий техника тараққиётига кўмаклашувчи совет комплекс планнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб бормоқда. Шундай советлар бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ҳам тузилган. Уларнинг мажлисларида кўпгина муҳим масалалар муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Лекин техникани тараққий эттириш юзасидан район партия комитети ва бошланғич партия комитети олиб бораётган ишлар КПСС XXV съезди талабларига ҳали тўла жавоб бермайди. Айрим корхоналар янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш бўйича планларини бажара олмаяптилар. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси паст. Меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини ошириш юзасидан кўп ишлар қилиш керак.

— Тўқизинчи беш йилликнинг охирида кўпгина машинистлар ёнилғини ортиқча сарф қилиб юборган эдилар, — деди Тошкент тепловоз депоси машинисти **Х. Исамуҳамедов.** — Лекин А. Матвеев, Д. Фозилов, Б. Ефимов, А. Турсунхўжаев каби илғорларнинг ҳар бири 10—12 тоннадан ёнилғини иқтисод қилиб қолдилар. Депо партия комитети тежамкорликда орқада қолаётган машинистлар ишини анализдан ўтказди. Илғорлар тажрибасини ўрганиш юзасидан махсус суҳбатлар уюштирилди. Эндиликда ҳар бир машинист тежамкорлик режимига қатъий амал қилмоқда. Илғорлар ташаббуси билан ўнинчи беш йиллик давомида ҳар йилнинг сўнгги ойида тежалган ёнилғи ҳисобидан пассажир поездини бошқаришга муваффақ бўлмоқдамиз. Албатта тежамкорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда. Депо партия комитети илғорларни мукофотлашнинг турли формаларини қарор топтирган.

Тошкент транспорт узели ишида қийинчиликлар бўлмаганида муваффақиятларимиз бундан ҳам кўпроқ бўлар эди. Участкаларда ҳаракат интенсивлиги ошиб бораётганлиги учун ҳам поездларни станцияларда ушлаб туриш ҳоллари кўпаймоқда. Бундан ташқари локомотивлардан самарасиз фойдаланиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бўшлиги учун баъзи бир нуқсонлар келиб чиқмоқда. Ички резервлардан унумли фойдаланиш, активликни ошириш, нуқсонларни бартараф этиш бундан буёнги муҳим вазифалардандир.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони **Ю. П. Максимов** ёшлар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш зарурлиги тўғрисида гапирди. Бу соҳада партия, совет ва жамоат ташкилотлари катта ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳарбий ватанпарварлик ишларини доимо такомиллаштириб бориш бизнинг вазифамиздир. Ёшларни совет халқининг революцион ва жанговар анъаналари рухида тарбиялашда музейлар, шон-шуҳрат бурчаклари катта роль ўйнайди. Тарбиянинг бу формаларига ҳам эътиборни қаратмоқ керак.

Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари **З. Т. Маҳсумов** пахта ҳосилдорлигини оширишда райсон партия ташкилоти олиб бораётган ишларидан ва сиёсий ишлардан гапирди. Бекободликлар ўтган йили давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажардилар. Пахта ҳосилдорлиги анча ўсди.

Лекин район коммунистлари, барча меҳнаткашлари эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмайдилар. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари деҳқонлар ва чорвадорлар олдига катта вазифалар қўйди. Бундан бўёнги ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишлар партия белгилаган янги вазифаларни бажаришга хизмат қилиши керак.

— Коллективимиз беш йилликнинг учинчи йили топширигини 103 процент адо этди, — деди «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси электр пайвандчиси **Ю. А. Резников,** — меҳнат унумдорлиги 10,6 процент ошди. Ўзим меҳнат қилаётган экспорт маҳсулотлари тайёрлаш цехи коллективи план ва социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди. Бизда давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотлар йил сайин ошиб бормоқда. Ишнинг бу томони бизни қувонтирса-да, аммо фан ва техника ютуқларининг суст жорий этилаётганлиги ташвишлантирмоқда.

Минбарга Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Г. Х. Қодиров** чиқади. У иш сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан бошланган мусобақада шаҳар саноатчилари қўлга киритаётган ютуқлардан гапиради. Шаҳар саноатчилари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар орасида давлат Сифат белгисини олган буюмлар 2,5 марта кўпайди ва улар ялпи маҳсулотнинг 24 процентини ташкил қилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг 90 проценти беш йиллик топширигини муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақага қўшилган. Айниқса коммунистик меҳнат ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ҳозир ҳар уч ишчининг бири коммунистик меҳнат зарбдоридир.

Меҳнат коллективларида мусобақанинг турли формалари қарор топган. Улар орасида меҳнат, ўқиш ва спорт эстафетаси кенг ёйилган. Бу мусобақада барча коллективлар иштирок этмоқда. Шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантириш бўйича тузилган комплекс план муваффақиятли бажарилмоқда. Бу планни тузишда салкам 600 киши иштирок этди.

Нотиқ социалистик мусобақани ташкил этишда йўл қўйилаётган нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтди. Жумладан, «Чирчиксельмаш» заводи ишини бунга мисол қилиб кўрсатди. Завод кейинги пайтда бир маромда ишламаяпти. Планлар бажарилмаяпти. Бундан ташқари капролактам ишлаб чиқариш объектида қурилиш суръатлари ҳам талаб даражасида эмас. Бу ерда 320 монтажчи ишлаяпти холос. Республика қурилиш, махсус монтаж ишлари министрликлари меҳнат, моддий ва техника ресурсларини бу муҳим объектга жамларяпти. Бинокорлар мусобақаси суст ташкил этилган.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти «Красний водопад» экспериментал базасининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. И. Чудная** ўзи меҳнат қилаётган коллектив ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Хўжаликда ўтган йилга нисбатан қора моллар сони 300 бошга, сут етиштириш 400 тоннага, гўшт етиштириш эса 600 тонна кўпайди. Гўштга топширилаётган қорамолларнинг вазни 600 килограммни ташкил этмоқда.

А. И. Чудная ўтган йили ўзига биркитилган 176 соғин сигирдан 816 тонна сут соғиб олди. Бу кўзда тутилганидан 61 тонна кўндир. Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган сут миқдори 4639 килограммни ташкил этди.

— Беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида республика хўжаликларига 72 миллион туп мевали дарахт кўчатлари сотилди, — деди Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. М. Мирзаев.** — Бошқа хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш планлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Халқ хўжалигига 870 мутахассис тайёрлаб берилди.

Аҳолини мева ва узум билан таъминлашни янада яхшилаш учун боғдорчилик ва узумчиликдаги мавжуд резервлардан яна ҳам тўла ва самарали фойдаланиш керак. Бунинг учун ихтисосланган совхоз-заводлар ва агросаноат бирлашмалари тузиш мақсадга мувофиқдир. Суғориладиган ерларда янги боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларига асос солинаяпти. Айни пайтда Ғазалкент, Паркент, Оҳангарон тоғ боғирларида ҳам боғдорчиликни ривожлантириш мумкин. Бу имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш керак.

Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари **Б. С. Камолов** ёшлар билан олиб борилаётган ишлар устида тўхталди. 20 мингдан ортиқ йигит-қиз беш йилликнинг уч йили планини муддатидан олдин бажариб қўйди. Комсомол-ёшлар коллективлари сони 2,5 марта кўпайди. Ўз нормасини бажармовчилар сони 2 марта қисқарди.

Ўнлаб минг йигит-қизлар шу кунларда «Беш йилликлар қаҳрамонлари — сафимизда» деган шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Бу ташаббус область комсомол комитети бюроси томонидан маъқулланди. Ташаббусни биринчилар қатори ВЛКСМ Марказий Комитети аъзоси, Ленин комсомоли мукофоти лауреати Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси Дилбар Қулматова қўллаб-қувватлади. Ташаббус издошлари тобора кўпаймоқда.

Областимизнинг мингдан ортиқ комсомоллари БАМ қурилишларида, Тюмень области нефть конларини ўзлаштиришда иштирок этмоқда, 700 дан ортиқ ташаббускор йигит-қизларимиз РСФСРнинг Ноқоратупроқ ўлкасида меҳнат қилмоқда. Ёшларимиз Ўзбекистон металлургия комбинатида қурилган электр билан пўлат эритиш комплекси қувватларини ўзлаштиришни ўз оталиғига олган. Бу ерда комсомол йўлланмаси билан 500 га яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, зарбдор қурилиш отрядларини тузишда баъзан шошма-шошарликка йўл қўйилмоқда. Бундай отрядларга бардошсиз, енгилтак йигит-қизлар ҳам кириб қолмоқда. Биз ишга туширилаётган объектларни матонатли ёшлар билан таъминлашимиз керак.

Область комсомол комитети 1980 йилгача чорвачиликка 1,5 мингдан ортиқ йигит-қизни сафарбар этади. Улар чорвачиликни ривожлантиришга ҳисса қўшадилар, озуқа цехлари қурилишини ўз оталиқларига оладилар. Бахтга қарши ҳунартехника билим-юртлари ҳозирча чорвачилик учун малакали кадрлар тайёрлаб беришда орқада қолмоқда. Хўжалик раҳбарлари, ҳунартехника таълими органлари чорвачилик учун кадрлар тайёрлашни кўпайтиришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Кейинги уч йилда область комсомоли 140 минг қишига кўпайди. Бунда партия комитетларининг хизмати каттадир. Кўпгина комсомол даргалари юқори партия органларига сайланган. Комсомол ташкилотларининг актив фаолияти кўп жиҳатдан партия раҳбарлигига боғлиқ эканлигини ҳар қадамда ҳис этмоқдамиз.

Тошкентдаги 21-мактаб директори **Л. Р. Алиева** ўқувчи-ёшлар тарбиясини яхшилаш ва уларнинг билимини ошириш соҳасида бажариладиган ишлар тўғрисида гапирди. Мактаб партия ташкилотига 12 коммунист бирлашган. Улар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг эсдаликлари ёшлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшларнинг касб танлашини яхшилаш ҳозирги кунинг энг муҳим проблемасидир. Шу мақсадда шаҳарнинг доигдор кишилари билан учрашувлар ўтказилмоқда, корхоналарга ва ҳунар-техника билим юртларига сафарлар уюштирилмоқда, меҳнат байрамлари нишонланмоқда. Лекин бу тадбирлар ҳали етарли эмас. Мактаб устахоналари талабга жавоб бермайди. Оталиқ ташкилотларининг ёрдами унумли эмас. Мактаблардаги тўгаракларга ишлаб чиқариш новаторлари, тажрибали мутахассислар раҳбарлик қилишса, яна ҳам яхши бўлар эди.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари **Ф. Н. Нажмиддинов** ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар усул ва методларини ахшилаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирди. Бирлашма партия комитети ғоявий-сиёсий ишларга комплекс ёндошишга, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва аҳлоқий тарбияни бирга қўшиб олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Партия комитети раҳбар кадрлар ва инженер-техник ходимларнинг ғоявий-назарий билим даражасини ўстириш, маҳоратларини ошириш устида катта ғамхўрликлар қиляпти. Раҳбар кадрларнинг ўқувида маълум система қарор топган. Партком мажлисларида, партия-хўжалик активи йиғилишларида меҳнат коллективини тарбиялашда раҳбар кадрлар ва инженер-техник ходимлар ролини оширишга оид масалалар тез-тез муҳокама қилиб борилади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг эсдалик китоблари, КПСС Марказий Комитети ўтган йили бўлиб ўтган Пленумлари материаллари партия ташкилоти иш услуби ва методини такомиллаштиришга катта ёрдам беряпти.

Бирлашма партия комитети бундан буён ҳам раҳбар кадрлар ва инженер-техник ходимларнинг тарбиявий ишлардаги ролини ошириб боради, уларнинг сиёсий билими ва маҳоратларини оширишга ёрдам беради.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. Исматов** ўтган йилги қийин об-ҳаво шароитида оммани қизғин курашга чорлашда хўжалик партия ташкилоти ва коммунистлар бажарган ишлар тўғрисида гапирди. Коммунистларнинг активлиги билан пахтадан мўл ҳосил олинди. Зиммадаги топшириқ муваффақиятли бажарилди. Бу йил колхоз пахтакорлари яна ҳам юксак марраларни қўлга киритишмоқчи. Бу марраларни эгаллашмоқ учун хозирданоқ қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи **Ғ. Зокировнинг** сўзи меҳнат коллективларида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни масалаларига бағишланди.

Суратда: Тошкент область XIX партия конференцияси делегатлари (чапдан) Янгийўл ёғ-мой комбинати аппаратчиси А. Панина, Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригада бошлиғи В. Тўхтабоев, Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли совхоз бригада бошлиғи Й. Нишонов, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз механизатори Х. Тўйчибоева, «Ташсельмаш» заводи инструктори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Юсупов, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси А. Девятова ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Мальцев фотоси.

ХАЛҚНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИ

СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Фарғона сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлиси ўтди. Комиссия Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Леонид Иванович Грековни** шу округдан депутатликка номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон сайлов округларида бўлиб ўтган округ сайлов комиссияларининг мажлисларида Андижондаги «Электроаппарат» заводининг йиғувчи слесари, комсомол аъзоси **Зуҳрахон Абдурашидовна Қодирова** Андижон сайлов округидан, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари **Солижон Мамарасулов** Ленин сайлов округидан, Томди районидаги «Авангард» совхозининг бош чўпони **Қуаниш Данбоев** Бухоро қишлоқ сайлов округидан, СССР 50 йиллиги номли Навоий кон-металлургия комбинати аппаратчиларининг бригадири **Владимир Александрович Кривонос** Навоий сайлов округидан, Мирзачўл районидаги Абай номли совхозининг бригада бошлиғи **Руёб Маматова** Винокор сайлов округидан, Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхози маҳкажўхорикорлари бригадасининг бошлиғи **Гулбаҳор Сандмуродовна Нуриллаева** Шаҳрисабз сайлов округидан, Ленин номли Поп территориал бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Аҳмаджон Одилов** Чуст сайлов округидан, Куйбишев номли Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг ишчиси **Розия Рашидова** Каттақўрғон сайлов округидан, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **Бектош Раҳимович Раҳимов** Самарқанд қишлоқ сайлов округидан, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Абдуҳолиқ Каримов** Денов сайлов округидан, Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг механизатори, звено бошлиғи **Тўхтаҳон Бозоровна Киргизбоева,** Гулистон сайлов округидан, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси **Дилбар Баратовна Қулматова** Тошкент — Ленин сайлов округидан, Кегайли районидаги Жуманазаров номли совхоз механизатори **Халқназар Бекназаров** Кегайли сайлов округидан, балиқ саноати Мўйноқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси **Зарбиби Аспетуллаева** Мўйноқ сайлов округидан, «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмаси Ҳисор этаги нефть-газ қидириш экспедициясининг парма ловчиси **Амирқул Тилавов** Қарши сайлов округидан, Амударё районидаги Крупская номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ойим Камолова** Амударё сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб рўйхатга олиндилар.

(ЎзТАГ).

КОМСОМОЛ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Адабиёт, санъат, журналистика ва бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида эришган муваффақиятлари учун бир группа ижодкорлар 1978 йилги Тошкент область Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган эдилар. Уларга Навоий номли театр биносида лауреатлик дипломи ва нишони тантанали равишда топширилди. Янги лауреатлар орасида ёзувчи Эмин Усмонов, «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг катта мухбири Будир Пўлатов, композитор Улуғбек Солиҳов, Ўзбекистон телевидение ва радиосининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Евгений Живаев раҳбарлигидаги эстрада симфоник оркестри, Ўзбекистон телевидениесининг музикали программалар бош редактори Санъат Рўзиматов, «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёри Шавкат Маҳбубов, Янгийўл район маданият уйи мақомчилар ансамблининг қўшиқчиси Ҳакимжон Ерлақабов бор.

Мукофотланганларни область партия комитетининг секретари **А. М. Хўжаев** табриклади.

ВАТАН ТАРИХИДАН РУҲЛАНИБ

Адиб Миркарим Осим адабиётимиз, айниқса унинг тарихий прозасида ўзига хос ўрин тутади. У ўзининг қатор тарихий қиссалари, ҳикоялари билан кенг танилган заҳматкаш ёзувчидир. Лекин, М. Осим ижоди, гарчи айрим мақолаларда бирмунча таҳлил қилинган бўлсада, ҳали махсус ўрганилмаган эди. Н. Норқулов ва М. Сатторовларнинг «Миркарим Осим» номли рисоласи шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қиладиган хайрли ишдир бўлди.

Аввало шуни айтиш керакки, китоб «Адабий портрет» деб аталсада, авторлар бу форма доираси билан чегараланиб қолмасдан, ёзувчи ижодий принциплари, бадиий маҳоратини чуқур таҳлил қилиш асосида тарихий жанр спецификаси ва бугунги кундаги мунозарали масалалари юзасидан хулосалар ҳам чиқаришга эришганлар. Шунинг учун ҳам рисола одатдаги хронологик принципга бўйсинмайди. Мунаққидлар ёзувчи ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида батафсил маълумот беришдан кўра, асосий эътиборни унинг асарларини проблематик ўрганишга қаратганлар.

Рисоланинг «Ватан тарихидан руҳланиб» ва «Олис юлдузлар жилоси» боблари таҳлилнинг тўлақонлиги, умумлашмаларнинг чуқурлиги ва хулосаларнинг салмоқлилиги билан китобнинг асосий мундарижасини ташкил этади.

Рисоланинг «Ватан тарихидан руҳланиб» бобида М. Осимнинг халқимиз қадимий тарихидан олиб ёзилган «Тўмарис», «Широқ», «Искандар ва Спитамен», «Тимур Малик», «Маҳмуд Торобий», «Ўтрор» каби асарлари таҳлил қилинади. Мунаққидларнинг ютуғи шундаки, улар мазкур асарларни шунчаки ғоявий-бадиий ёки образлар системаси нуқтаи назаридан тавсифлаб қўя қолмай, балки жанрнинг муҳим белгиси — тарихийликнинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан изчил тадқиқ этадилар. Худди шу таҳлил принципидан келиб чиқадиган иккинчи ютуқ — бадиий асар мазмунини уларга асос бўлган тарихий фактик материал билан солиштириб таҳлил қилишда кўринади.

Бир туркум тарихий мантиқ бош қиёслаб, ёзувчи шуларнинг қай биридан ва қай йўсинда фойдаланганлигини, тарихий ҳақиқат қай тарзда бадиий ҳақиқатга ўсиб чиққанлигини кузатиш шу бобнинг асл мақсадини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан, «Ўтрор», «Элчилар», «Дўстлик қалдирғочлари» қиссаларининг таҳлилини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим.

Қиссалардаги воқеалар Бируний, Насави, С. П. Толстов, М. И. Йўлдошев каби тарихчи олимларнинг бир қатор тадқиқотлари билан солиштириб, ёзувчининг фактик материал билан ишлаш маҳорати тадқиқ этилади. Мунаққидларнинг таъкидлашича, тарихий асарда бизга ёзувчининг ўтмишда бўлиб ўтган қайсидир тарихий воқеа ҳақида хабар бериши эмас, балки мана шу ҳужжат парчаларидан тўлақонли ҳаёт картиналарини ярата олиш санъати кўпроқ қадрлидир. Шу тариқа авторлар М. Осим асарларининг конкрет мисолида тарихийлик принципи, ўтмиш ҳақидаги асарларнинг замонга хизмати, тарихий жанрнинг ўзига хос белгилари ҳақида асосли хулосалар чиқара олганлар.

Тадқиқ объекти қилиб олинган М. Осимнинг «Зулмат ичра нур», «Жайхун устида булутлар» қиссалари ва «Китобга ихлос» ҳикояси Навоий, Ибн Сино, Бирунийлар ҳақида ёзилган бошқа бир қатор асарлар билан қиёслаб ўрганилади. Аввалги бобдаги таҳлил ёзувчининг тарихий материал билан ишлаш маҳоратини ёритса, энди бу бобдаги таҳлил принципи адибнинг ўзига хос ижодий услуби: ҳикоялаш тарзи, сюжет ва композиция яратиш, материални саралаш ҳамда бадиий бойитиш санъати ҳақида тасаввур беради. Мунаққидлар М. Осим асарларини Ойбек, Л. Батъ, В. Смирнова-Ракитина, К. Моисееваларнинг аллома аждодларимиз ҳақидаги қиссалари билан ва уларнинг ҳаммасини эса тарихий фактлар билан қиёслаб ўрганар экан, адибнинг ўзига хос истеъдод қирраларини очишга интиладилар, бир хил мавзуга ёндошишда ҳарбир ёзувчининг ўз тарихий-бадиий концепцияси ҳақида хулосалар чиқарадилар.

Албатта, бу қиёслаш ҳамма ўринларда ҳам бирдай муваффақият билан амалга оширилган деб бўлмайди. Олимлар бош проблемани тадқиқ қилишда ҳарбир йирик санъаткор концепцияси бўртиб кўринадиган саҳифалар ўрнига баъзан иккинчи даражали эпизодик ўхшашликлар қиёсига берилиб кетадилар. Жумладан, Алишернинг саҳрода адашиб қолиш воқеаси, гарчи бош масалани ҳал этишда унчалик катта аҳамият касб этмасада, авторлар бу саҳнани М. Осим, Ойбек, Л. Батъ асарлари қиёсида бирнеча саҳифаларда батафсил таҳлил этадилар.

«Маҳорат йўлида» бобида, гарчи маҳоратнинг зарур масалалари ҳақида гап кетса ҳам, проблема қўйиш ва ҳал этиш борасида мантиқий изчиллик тўла сақланмагандай таассурот қолади. Бу ерда гап, дафъатан, пейзаж чизиш санъатидан бошланиб (бадиий маҳорат масаласида уни биринчи ўринга қўймаса ҳам бўлаверади), ундан қиссаларнинг тил хусусиятларига, кейин эса негадир тарихий шахсни талқин қилиш принципларига ва ундан асарда тўқиманинг ўрни ва ҳакозо масалаларга ўтиб кетилади. Ваҳоланки, кейинги бобларда уларнинг ҳар бирининг ўз ўрни ва мавриди бор эди.

Рисолада авторларнинг илмий фикрлари асарлар тексти мисолида тасдиқ этилади. Лекин, умуман олганда, илмий ва бадиий асарлардан олинадиган парчаларга керагидан кўпроқ ўрин ажратилганга ўхшайди. Тарихий қисса ва ҳикояларнинг жанр хусусиятлари, ёзувчининг сюжет ва композиция, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати масалаларидаги баъзи фикрларнинг охиригача айтилмай, тезис ҳолида қолиб кетишига, сўзсиз, кенг — мўл материал билан рисола ҳажми ўртасидаги номуносиблик сабаб бўлган.

Шундай бўлса ҳам муаллифлар М. Осим ҳақидаги биринчи йирик тадқиқотда адиб ижоди ҳақида имкони борича атрофлича ва кенг фикр айтишга муваффақ бўлганлар.

Бу қутлуғ интилиш юқоридаги жузъий камчиликларни тўлиқ оқлайди.

А. КАТТАБЕКОВ,
филология фанлари кандидати, доцент.



Пойтахтимиздаги Шастри кўчасида яна бир савдо маркази қўриб битказилди. «Ғунча» деб ном олган бу магазинда галантерея, парфюмерия, газмоллар, ўйинчоқлар, устки кийимлар, пойафзал савдоси бўлимлари бор. Суратларда: (чапда) парфюмерия бўлими сотувчиси Л. Кравченко савдо пайтида. Унгда болалар кийими бўлими кўриниши.

А. Абалян фотолари.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

КИТОБХОН ЎЛКА

ПИСКЕНТ районидаги марказий кутубхонадан одам аримайди. Бу ерда газета-журналларнинг янги нусхалари, турли брошюраларни кўриш мумкин. СССР Олий Советига сайловлар мавзуида плакатлар стенди ташкил қилинган.

Кутубхонада китобхонлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Китобхонлар конференцияси мунтазам ўтказилиб турилди. Яқинда кутубхонада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 90 йиллиги муносабати билан китоб кўргазмаси ташкил этилди. Халқаро болалар йили муносабати билан кичкинтойларга мўлжалланган асарлар кўргазмаси ташкил қилинади. «Беш йиллик одимлари», «Совет демократияси тантанаси» мавзуидаги китоб виставкалари ҳам жуда мазмунли ва қизиқарли бўлганлиги учун китобхонларни ўзига жалб қилмоқда.

ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ

ТОШКЕНТ гуллар шаҳри. Пойтахтимиздаги хўжалик ҳисобида ишловчи «Тошкент гуллари» фирмасининг коллективи ҳар куни 10 мингдан ортиқ гулларни етказиб беради. Гвоздика, карнайгул, фрезия манзаралли гулларга ўраб сотилмоқда. Шаҳарда йигирмадан ортиқ гуллар магазини бўлиб, буларда кунига 10 мингдан ортиқ гул сотилмоқда. Унта махсус «Москвич» машинаси гул ташиш билан банд.

— Бу йил,— дейди фирма директори А. Мухримов, — бир неча қишки гулзорлар ишга туширилди. Шунингдек, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтида бир гектар ерга фақат тошкентликлари қиш мавсумида турли анвойи гуллар билан таъминлаш мақсадида бир гектарлик теплица комбинати ишга туширилди. Йил охиригача теплица комбинати яна ярим гектар ерга кенгайтирилади.

М. ЗАРИПОВ.

«НЕДЕЛЯ» СОВРИНИ УЧУН

Москва ва Ленинградда «Неделя» ҳафталиги соврини учун ўтказилаётган мусобақаларда группалардаги ўринлар аниқланди. Мусобақанинг олтинчи кунида пойтахтдаги «Спартак» спорт саройига аввалига иккинчи группа вакиллари чиқишди. «Торпедо» Будапештнинг «Волан» командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўпларни автозаводчилар командасида Козлов киритди. Сўнгра майдонга ЦСКА ва «Пахтакор» футболчилари чиқишди. Армиячилар 2:0 ҳисобида ғолиб келиб, 5 очко билан биринчи ўринни олдилар ва кеча ғолиблик учун «Спартак» командаси билан куч синашдилар. Учинчи-тўртинчи ўринлар учун «Шахтёр» ва «Торпедо» даъвогарлик қилди. «Пахтакор» билан «Локомотив» бешинчи-олтинчи ўринлар учун баҳслашдилар.

Ленинградда ўтказилган турнирда Киев динамочилари Ростовнинг СКА футболчиларини 1:0 ҳисобида енгишган бўлса, «Қайрат» «Заря»дан йирик — 1:4 ҳисобида мағлубиятга учради.

Киев динамочилари билан «Заря» бир хил 5 тадан очко тўплашди. Ворошиловград футболчилари тўплар нисбатига кўра группада биринчи ўринни олишди ва ғолиблик учун Минск динамочилари билан учрашдилар.

Спорт

СОБИР РЎЗИЕВНИНГ НАВБАТДАГИ ЮТУҒИ

Минск шаҳрида рапирачиларнинг Бутуниттифоқ турнири давом этмоқда. Бунда мамлакатимизнинг энг кучли қиличбозлари қатнашишмоқда. Улар орасида жаҳон ва олимпиада мусобақаларининг совриндорлари ҳам бор. Тошкентлик Собир Рўзиев ўзининг севган тури — рапирада энг кучлилардан экалигини яна исботлади. Ҳамшаҳаримиз барча учрашувларни кўтаринки рухда ўтказиб, биринчи ўринни эгаллади ва бош соврин эгаси бўлди.

РЕСПУБЛИКА ТАРИХИДА БИРИНЧИ

Харьков шаҳрида ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича ёпиқ майдонда Бутуниттифоқ биринчилиги бўлиб ўтди. Об-ҳаво ноқулайлиги туфайли вакилларимиз бу мусобақага ўз вақтида етиб боролмадилар. Бутуниттифоқ мусобақасида фақат биргина вакилимиз иштирок этди. Самарқандлик О. Азизмуродов эришган натижа ҳаммани қувонтирди. Бу ўсмир баландликка сакрашда 219 сантиметр натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади ва спорт мастери талабини бажарди.

Республика енгил атлетика тарихида ўсмирлар ўртасидагина эмас, балки катталар баҳсида ҳам ҳали Ўзбекистон спортчилари бундай юксак натижа кўрсатишмаган эди. СССР терма командаси устозлари умидли бу енгил атлетикачини мамлакат терма командаси сафига киритишга қарор қилишди.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 2 февраль куни ўтказилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЭРОНДА РЕАКЦИЯНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 30 январь. (ТАСС). Кейинги вақтларда Қўшма Штатлар Эронда давом этаётган кескин сиёсий тангликни чўзиш йўлини тутмоқда. Бунда у оппозицияни парчалаш мақсадида қилинаётган уринишлар пировард натижада шох тайинлаган Бахтиёр ҳукуматига муваффақият келтиради, деб умид қилмоқда.

Бироқ сиёсий обзорчиларнинг фикрига кўра, бундай сиёсат мамлакатдаги вазиятни янада кескинлаштиришга, янги-янги қонли тўқнашувларга, минг-минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритишгагина олиб келади.

Яқинда Теҳронга бориб келган, шунингдек Парижда оппозициянинг бошлиғи оятулло Ҳумайни билан учрашган АҚШнинг собиқ юстиция министри Р. Кларк БМТ штаб квартирасида журналистлар билан учрашиб, Эрон аҳолисининг 99 проценти шоҳ режимига қарши чиқмоқда, деди. Р. Кларкнинг эътироф этишича, шоҳ тайинлаган Бахтиёр ҳукумати батамом яккаланиб қолган. Р. Кларк у ҳолда нима учун Қўшма Штатлар гўё Бахтиёрни Эрондаги «барқарорлик омили» деб ҳисобламоқда, деган саволга жавоб қайтариб, шуни тан олдики, «АҚШнинг ташқи сиёсати реал воқеликка эмас, балки ҳаёлий нарсаларга асосланмоқда». «Биз Эронда ҳом ҳаёл билан умидсизликдан бирини танлаб олишга мажбур бўлдик, деб аниқлик киритди Р. Кларк. Биз биринчиси, яъни гўё Бахтиёр бош министр сифатида иш кўра олишга қодир бўлгандек ҳом ҳаёлни танлаб олдик». Собиқ юстиция министри Қўшма Штатлар бутун дунёда диктаторлик режимларини қўллаб-қўлтиқлаётганлигини уқтириб, бундай ташқи сиёсат барбод бўлишга маҳкум этилганлигини таъкидлади.

Эронда шоҳга ва Америкага қарши ғалаёнларни бўғиб ташлашга интилаётган кучлар ҳозирги вақтда турли йўналишларда ҳаракат қилмоқдалар. Улар Ҳумайнининг келиши умумхалқ ҳаракатини «тўхтатиш»дан иборат режаларига урилган жиддий зарба бўлишини тушунадилар. Шу сабабли унинг қайтиши йўлига тобора янги-янги ғовлар қўйилмоқда. Гарчи маъмурлар аэропортларнинг очилганлигини эълон қилган бўлсалар-да, улар Ҳумайни тушган самолётнинг Эронга қўнишига ҳамон руқсат бермаяптилар.

Бахтиёрнинг гўё Ҳумайни билан учрашиш учун Парижга боражаги тўғрисидаги найранги ҳам пучга чиқди. Вақтдан ютиш учун ҳамда Ҳумайни билан ҳозирги режим ўртасида алоқа ўрнатилган деган тасаввурни вужудга келтириш мақсадида ана шундай найранг ишлатилган эди.

Ҳумайни бундай учрашув бўлишини рад этди ва мамлакатнинг диний арбобларига йўллаган мактубида расмий равишда шундай деди: «Мен Бахтиёрни бош министр сифатида қабул қилишим тўғрисидаги хабар ёлғон, у истеъфога чиқмас экан, мен уни қабул қилмайман, чунки у ҳозирги лавозимни қонуний асосда эгаллаб турибди, деб ҳисобламайман».

Ҳумайнининг ўзи Эрон ҳарбий хизматчиларини «бир ҳовуч катта офицерларнинг» буйруқларига бўйсунмасликка ва намойишларнинг қатнашчиларига ўқ узмасликка даъват қилди. Рейтер агентлигининг хабарига кўра, Теҳрон ғарбидаги ҳарбий ҳаво кучлари базасида 172 киши қамоққа олинган. Улар қатл этилиш хавфи остида турибдилар.

Кеча Теҳронда 15 мингга яқин киши жандармерия бош бошқармасини тошбўрон қилди, кўчаларнинг бирида намойишчилар жандарм генерали Латифий машинасини тўхтатиб ўт қўйиб юбордилар, уни машинадан тортиб чиқариб калтакладилар. Кеча Теҳронда Америка ҳарбий «маслаҳатчиси» майор Дэвисга суиқасд қилишга уринган кўрилганлиги мамлакатда Америкага қарши кайфиятлар кучайиб бораётганлигини кўрсатувчи янги далил бўлди. Исфаҳонда намойишчилар Америка консулини дўппослашди. АҚШ элчихонаси Эронда ишлаётган америкаликлар оилаларининг ҳамма аъзолари, шунингдек Америка мутахассисларининг бир қанча категориялари «қуролли қўзғолон ёқасида» турган мамлакатдан дарҳол чиқиб кетишлари ҳақида кўрсатма берди.

БАЙРУТ, 30 январь. (ТАСС). Ливанда чиқадиган «Ал-кифоҳ ал-арабий» ҳафтаномаси ёғгун қуйидагиларни ёзади: Эрон шоҳи Миср президенти Садатга мурожаат қилиб, Эронда «тартиб ва хавфсизликни қайта тиклаш» ишида унга «ёрдам» беришни илтимос қилган. Шоҳ бунинг бирданбир йўли ҳарбий тўнтариш эканлигини айтди. Ҳарбий тўнтариш Эрон армиясининг ҳамон унга содиқ бўлиб қолаётган қисмлари томонидан амалга оширилиши керак. Бироқ уларнинг ҳаракатлари, деб илова қилди у, ташқаридан қўллаб-қувватланишга муҳтождир. Шоҳ бундай мададни унга Садат бериши мумкин деб ҳисобламоқда.

Ўз мамлакатидан қочиб кетган ҳокими мутлак Миср қўшинларининг эҳтимол тутилган ҳаракатларини АҚШ батамом қўллаб-қувватлайди, деб Миср президентини ишонтирган. Шоҳ Садатга яна шуни айтганки, деб давом қилади «Ал-кифоҳ ал-арабий» газетаси, Марокаш қироли Хасан америкаликларнинг илтимоси билан Эрондаги тўнтаришга мадад беришда иштирок этишга рози бўлган, бунда у АҚШ Марокаш қўшинларини Эронга ташлаш учун ўзининг ҳарбий транспорт самолётлари ва учувчиларини беришини шарт қилиб қўйган.

Садат, деб уқтиради ҳафтанома, «Асвон» деган маҳфий ном олган операцияда иштирок этишга принцип жиҳатдан розилик берган. «Ал-кифоҳ ал-арабий» газетаси Мисрдан олинган маълумотларга асосланиб ҳабар қилишича, МАРнинг ҳаво-десант қўшинлари жанговар шай ҳолга келтириб қўйилган ва ҳозир «фавқулодда муҳим вазифани» бажаришга зўр бериб тайёргарлик кўрмоқдалар.

САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ ЙЎЛИДА

ҚОБУЛ, 30 январь. (ТАСС). Саводсизликка қарши кураш Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бу мамлакатда аҳолининг 80 процентдан кўпроғи ўқиш ва ёзишни билмайди. Саводсизликка қарши кураш миллий комитетининг ташкил этилганлиги ана шу проблемани ҳал қилиш йўлида дастлабки амалий қадам бўлди. Маҳаллий матбуотнинг хабар беришича, Ўтган йилнинг май ойидан буён Афғонистонда комитет ташаббуси билан 1.500 дан кўпроқ курс ташкил қилинди. Бу курсларга афғон ишчилари, деҳқонлари ва хизматчиларидан 40 мингдан зиёд киши қатнамоқда. Шу қадимий мамлакат тарихида биринчи марта хотин-қизлар бу курсларда савод ўрганишга киришди.

Ўқитувчилар, студентлар ва юқори синфларнинг ўқувчиларидан салкам беш минг киши саводсизликка қарши курашни ташкил этишда миллий комитетга катта ёрдам бермоқда. Улар мамлакатнинг турли вилоятларида таълим курслари ташкил этиб, ишдан кейин ихтиёрий равишда ишчи ва хизматчиларни ўқишга ва ёзишга ўргатмоқдалар, ҳозирги вақтда ёш Афғонистон республикаси олдида турган мақсад ва вазифаларни уларга тушунтирмоқдалар.

ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

ДЕҲЛИ, 30 январь. (ТАСС). Ҳиндистонда Ҳиндистон Совет маданият жамияти 12 миллий конференциясига тайёргарлик ниҳоясига етай деб қолди. Бу конференция февраль ойининг ўрталарида Керала штатининг Тривандраме шаҳрида ўтказилади. Конференция ишида Ҳиндистон-Совет маданият жамиятининг бутун мамлакатдаги 2.000 бўлимидан икки мингдан кўпроқ делегат, Ҳиндистон коммунистик партиясининг, касаба союз, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда бошқа демократик ва оммавий ташкилотларнинг вакиллари иштирок этадилар.

Ҳиндистон-Совет маданият жамиятининг раиси К. П. Ш. Менон ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: жамият Ҳиндистон-Совет дўстлигини мустаҳкамлаш соҳасида катта ишлар олиб бормоқда. Бу эса тасодифий бир ҳол эмас. Чунки СССР Ҳиндистон учун оғир дамларда ҳамиша унга ёрдам бериб келди. Ҳиндистон-Совет дўстлиги барча қийинчиликларга бардош берди, замон синовидан ўтди. Бу дўстлик кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Бироқ, мамлакат ичида ҳам, чет элларда ҳам шундай кучлар борки, уларга бу дўстлик ёқмаяпти. Бундай кучлар бизнинг алоқаларимизни заифлаштиришга ҳар томонлама интилмоқдалар. Шу боисдан ҳам, деб таъкидлади К. П. Ш. Менон, мамлакатимизнинг барча тараққийпарвар ва ватанпарвар кучлари ана шундай найранглларга нисбатан доимо хушёр бўлиб туришлари, Ҳиндистоннинг улуғ социалистик давлат — Совет Иттифоқи билан дўстлиги ва ҳамкорлигини тинмай мустаҳкамлаб, ривожлантиришлари лозим. Бу эса Ҳиндистоннинг социал-иқтисодий ўсишини жадаллаштиришга, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ялпи тинчлик ишига ёрдам беради.

И. КОЛГАНОВ.

ҲАЁТ НОРМАЛ ИЗГА ТУШМОҚДА

Кампучия информация агентлигининг хабар беришича, Кампонгтям ва Поусат вилоятларининг деҳқонлари йигирмата халқ комитетларини сайлаганлар. Бу комитетлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тиклаш ҳамда аҳоли ҳаётини нормал изга солиш борасидаги ишни бошлаб юборди.

...Тош йўл ва қишлоқ йўлларида кампучияликлар ўлжа олинган ва радиаторларга хитойча иероглифлар ёзилган юк машиналарида (халқ маъмурлари буларни аҳолини ташиш учун бериб қўйди), буйвол қўшилган араваларда ва пиёда ўз шаҳар ва қишлоқларига қайтиб келяптилар.

Ҳозир янгитдан сайланган халқ ҳокимияти органлари вакилларининг юмушлари кўп. Келаётган кишиларни жойлаштириш (чунки кўпгина уй-жойлар вайрон бўлган), уларни озиқ-овқат билан таъминлаш, болалар, беморлар ва инвалидлар тўғрисида қайғуриш лозим. Шундай бўлсада, анчагина иш қилиб қўйилди. Халқ комитетлари ҳузурида медицина-санитария группалари тузилди. Улар шошилинч медицина ёрдами кўрсатмоқдалар. Бир қанча районларнинг аҳолиси профилактика тариқасида эмлаб чиқилди.

Мактабларни ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Лекин, халқ маъмурлари муаллимлар етишмаслигига дуч келяптилар. Реакцион тўданинг жаллодлари муаллимларнинг анчасини зиёлиларнинг бошқа вакиллари билан бирга қириб юборгандилар.

Кампучияда январь — қишки шоли ҳосилини ўриш ойидир. Революцион қуролли кучларнинг жангчилари деҳқонларга ёрдам бермоқдалар. Халқ революцион маъмурлар собиқ режимнинг авантюристик сиёсати жуда катта зарар етказган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тезроқ тиклаш пайида бўлмоқдалар.

Кўчма пропаганда бўлимлари қишлоқларга жўнаб кетмоқда. Улар Кампучия Халқ Революцион Кенгашининг сиёсатини деҳқонларга тушунтириб бермоқдалар, аҳолини революцион маъмурларнинг қийинчиликларни тезроқ енгиб ўтиш борасидаги қарорларини бажариш учун курашга сафарбар қилмоқдалар.

(ТАСС).

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА,
4 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА
М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Холисхон ҚОДИРОВА
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати
Карима УЗОҚОВА
Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Ҳасан КАРИМОВ, Исмоилжон ТУРДИАЛИЕВ, Нодира АҲМЕДОВА, Раҳима РИХСИЕВА, Отажон РАЖАБОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.
Музика раҳбари — Ҳамид ИСМОНОВ.
Программани — Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб боради.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт», 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Горнчилар қаердасиз!». 10.35 — Концерт. 11.30 — «Валерий Чкалов». Бадиий фильм. 13.00 —15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 16.20 — Рус тили. 17.05 — Каменск казак халқ хорининг концерти. 17.30 — Телестадион. 18.00 — «Китоб сенинг ҳаётингда». 18.30 — «Миллионлар ленинча университети». 19.00 — «Қувноқ нотолар». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Алкоголизм». 20.00— Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 21.30—«Вақт». 22.00 — СССРда Куба республикаси маданияти кунларининг ёпилиши. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Мультфильм. 18.15 — «Фан» 18.45 — «Ахборот». 19.00 — «Еш созандалар». 19.40 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — «Ижод лабораториясида». Асқад Мухтор. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Авазбек Абдулазов куйлайди. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Чорвачилик —зарбдор фронт». 22.20 — «Тонггача омон бўлсак бўлгани». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Уч карра текширув». Бадиий фильм. 20.30 — Ушув программаси. 21.00 — Янгиликлар.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/II да Муҳаббат ҳақида қисса.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да Уйланиш.

Ўзбекистон телевидениеси коллективи ассистент телеоператор К. Ғуломова онаси

Боринисо ҒУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 12851. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс: 64633. Е—2323.